2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 99 (355), 2021 йил 18 май, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИБ, МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 17 май куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология миллий тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, жаҳон бозорларига чиқиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, юртимизда мавжуд 30 мингга яқин стандартнинг 19 мингтаси халқаро нормалар билан уйғунлаштирилди ва халқаро стандартлар реестри шакллантирилди.

Эскирган, бозор иқтисодиёти механизмларига салбий таъсир кўрсатадиган 5 минг 600 та стандарт амалиётдан чиқарилди, 3 минг 500 таси замон талаблари асосида такомиллаштирилди. Халқаро аналогларга мувофиқ қўшимча 26 та техник регламент ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи 260 та корхонада "Global G.A.P." ҳамда "Organic" стандартлари асосида сифат тизими жорий этилди ва улар халқаро даражада сертификатлаштирилди.

32 та тўқимачилик корхонаси "Oeko-Tex" стандарти асосида сертификатлаштирилди. 21 та корхона Европа Иттифоқида талаб этиладиган "CE" маркировкасини тасдиқловчи сертификат олди.

Синов лабораториялари модернизация қилиниб, юртимизга чет эллардан келтирилаётган маҳсулотлар сифати ҳам ўрганиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда, экспорт ва импорт жараёнларида стандартлар билан боғлиқ яна кўплаб вазифалар бор. Айрим тартиб-таомиллар тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Тақдимотда шу масалаларни ҳал этиш, соҳадаги тартибларни такомиллаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Масалан, бугунги кунда 3 минг 400 турдаги маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса билан бирга мувофиқлик сертификати ҳам талаб этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга санитария-эпидемиологик хулоса олинадиган маҳсулотлар рўйхатини мақбуллаштириш, қўшимча мувофиқлик сертификати талабини бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Импорт маҳсулотлар синови божхона расмийлаштируви жараёнида амалга оширилиб, бунга 60 кунгача вақт кетмоқда. Шу боис, бу борадаги ҳужжатларни камида 30 кун олдин божхона электрон дастурига жойлаштириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Соҳани такомиллаштиришда жаҳон тажрибасидан фойдаланилмоқда. Жумладан, Европада фақатгина 28 турдаги хавфи юқори бўлган маҳсулот мажбурий сертификатланади, қолган барча турдаги товарлар мувофиқлиги декларациялаш орқали тасдиқланади.

Тақдимотда шундай тизимни тажриба-синов тариқасида амалиётга киритиш зарурлиги қайд этилди. Дастлабки босқичда 800 га яқин маҳсулот тури бўйича декларациялаш тартиби жорий этилади.

Халқаро талаблар билан уйғунлашмаган қолган 11 мингта миллий стандарт ўрнига халқаро стандартларни қабул қилиш ҳамда 2023 йилдан барча корхоналарни ушбу стандартларга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

"Ўзстандарт" агентлиги тизимидаги 20 та синов лабораторияси фаолиятини халқаро даражада ташкил этиб, биринчи навбатда озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, электр техникаси, енгил саноат, гигиена ва парфюмерия маҳсулотлари ҳамда қурилиш материалларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолашни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Европа Иттифоқининг "GSP+" тизими доирасидаги имтиёзлардан кенг фойдаланиш учун корхоналарга халқаро сертификатлар олишда кўмаклашиш кераклиги қайд этилди.

Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар ҳамда Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битимлари нормаларидан келиб чиқиб, ушбу соҳаларга масъул идораларнинг ваколатларини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ТУҒИЛГАН КУНИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари Президент Қосим-Жомарт Тоқаевни таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва муваффақият тилади.

Қозоғистон Президентининг биродар мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган ва ишончга асосланган олий даражадаги мулоқотлар кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг жадал суръат билан ривожланишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Суҳбатда икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Аввал эришилган келишувларнинг амалга оширилиши ҳамкорликнинг барча устувор йўналишларда янада кенгайишига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

**ЎзА**

### ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

## Юксак эътибордан қувониб, соғайгандек бўлдим

**Соя-салқин йўлак бизни икки қаватли замонавий ва шинам бинога элтди. Бинонинг 2-қаватида ҳаёт қайнамоқда.**



Бу ерда — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий марказининг болалар онкологияси бўлимида муолажа олаётган болалар ва ёшлар ўз орзу-умидлари, интилишлари ҳақида бир-бирларига сўзлаб беради. Ёруғ келажак ҳақида ширин хаёллар суради. Шу кунларда эса уларнинг дили-ю тилида Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашув таассуротлари. Дардлар енгиллаган. Ота-оналар кўзида фарзандларига улашилган қувончдан миннатдорлик ҳисси сезилади.

Давлатимиз раҳбарининг нафақат шаҳарлар, балки чекка-чекка қишлоғу маҳаллаларда яшайдиган юртдошларимиз хонадонига бориб, одамлар ҳолидан хабар олаётганига кўзимиз анча ўрганибди.

Давоми 7-бетда

# БЕШ ТАШАББУС ҚАНОТИДА

# ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЮКСАЛАЁТИР

5 МУҲИМ ТАШАББУС

**Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**











## ТАШАББУСЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

**Салим ДОНИЁРОВ**

**Эзгу амалнинг қаноти бор, дейди халқимиз. Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуслар мамлакати сифатида танилгани замирида ҳам шу хайрли амалларнинг ҳаётий ифодасини кўрамиз.**

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилаётган халқчил ислоҳотлар, янги ғоялар, креатив ёндашувлар ҳар биримизнинг ҳаётимизга "тоза ҳаво" олиб кирди. Мудроқлик чекинди, бир нуқтада қотган қарашлар жилваланди. Бугунги кунимиздаги ўзгаришлар келажакка интилиш ҳиссини уйғотди. Ташаббуслар ана шундай қудратга эга.**

### БАХТ АТО ЭТГАН ЙЎЛ

Ўтган ўн йилликлар ҳақида гап кетганида ҳаммамизнинг кўз олдимизда жонланади: қишлоқларни қўя турайлик, шаҳарлардаги болалар боғчаси хароб аҳволда, мактаблар ҳам улардан сира қолишмасди. Қаердаки эски бинони кўрсак "ҳа, бу мактаб ёки боғча бўлса керак" дердик. Болаларимиз китоб ўқимай қўйди. Чунки бунинг учун имконият ва рағбат йўқ эди. Мусиқа ва санъат унутилди. Ҳатто шаҳардаги катталар қаердадир қўғирчоқ ёки ёш томошабинлар театри борлигини яхши эсломайдиган бўлиб қолди. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга вақт топмадик. Бир сўз билан айтганда, маънавиятсиз кунларни яшашга киришдик.

Ниҳоят, шу кунлар ҳам ортда қолди. Президентимиз дастлаб 2019 йил февраль ойида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. Бу ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун дастуруламал бўлди. Ўшанда давлатимиз раҳбари иқтисодиётимиз изга тушиб олгани, аллақачон маънавий юксаклик тўғрисида қайғурадиган вақт келганини айтган эди. Шунда биз илм — ёруғлик, жаҳолат — зулмат эканини янада теранроқ англадик.

Давоми 4-бетда

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

**Элдор ТУЛЯКОВ,**
**"Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори**

**Ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти, муайян ютуқларга эришиши ва халқи фаровонлиги, аввало, ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига эътибор даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Аҳолисининг салмоқли қисмини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистон учун эса бу вазифа икки карра муҳим. Зеро, бугунги ёшлар эртамизнинг эгаси, юртимизнинг стратегик кучи, халқимизнинг олтин фонди, миллатимизнинг янги тафаккуридир. Шу маънода, мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида аҳамият қаратиб келинади.**

Айниқса, сўнгги тўрт йил юртимиз ёшлари ҳаётида туб бурилиш даври бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида имзолаган биринчи қонун 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун эканида ҳам рамзий маъно бор. Қолаверса, охирги йилларда ёш авлоднинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, доимий иш билан таъминланиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, ўз истеъдодини намоён этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Олий Мажлиснинг ҳар икки палатаси қошида "Ёшлар парламент"и ташкил этилгани иқтидорли, интилувчан йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этиши учун кенг имконият яратмоқда.

Давоми 4-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурган ташаббуслари изчил амалга ошмоқда

**Сўнгги йилларда Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида бир қанча долзарб ва глобал масалаларда муҳим ташаббусларни илгари суриб, уларни рўёбга чиқаришда ўзига хос модель яратди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессияларидаги иштироки ва уларда билдирилган таклиф ва ташаббусларнинг амалга ошаётгани кенг жамоатчилик, халқаро экспертлар ҳамда нуфузли “ақл марказлари” томонидан эътироф этилмоқда.**

Дарҳақиқат, охирги йилларда Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари фаолиятидаги ўрни изчиллик суръатини касб этди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 ва 75-сессияларидаги иштироки ўзаро муносабатларни ривожлантиришда тарихий босқич бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ривожланиш, эпидемия ва пандемияларга қарши биргаликда курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик офатларни юмшатиш ва бошқа соҳалар бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Мазкур таклиф ва ташаббусларнинг БМТга аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш борасида Ташқи ишлар вазирлиги, чет элдаги дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллар фаол саъй-ҳаракатларни амалга оширяпти.

Кўпчилик диққат-эътиборини бир масалага қаратиш осон иш эмас. Ҳар бир йўналиш бўйича давлатларнинг ўз нуқтаи назари ва манфаати бўлади. Лекин ана шундай паллаларда ўзбекистонлик дипломатлар бошқа мамлакатлар вакиллари билан мулоқот қилиб, уларга давлатимиз таклиф этаётган ташаббусларнинг аҳамияти бўйича тушунтириш ишларини олиб боради. Шундай изчил саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда Президентимиз ташаббусларини рўёбга чиқариш бўйича кўплаб маслаҳатлашувлар, музокаралар олиб борилмоқда.

Бу каби учрашувлар нафақат БМТнинг Нью-Йоркдаги ёки Женевадаги ваколатхоналарида, балки дунёнинг ривожланган мамлакатлари пойтахтларида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Натижада ўзаро ҳамкорлик кун тартиби сезиларли даражада кенгайтирилди, юқори даражадаги мунтазам мулоқот йўлга қўйилди, Ўзбекистоннинг глобал ташаббусларини рўёбга чиқариш бўйича тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2016 йилдан буён Марказий Осиёда барқарор тараққиётни таъминлаш, минтақада туризмни ривожлантириш, маърифий ва диний бағрикенглик тўғрисида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган учта резолюциянинг қабул қилиниши мамлакатимиз саъй-ҳаракатларининг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Марказий Осиёда асосий географик ўринни эгаллайди ва минтақадаги ҳар бир жараённинг муваффақиятли ривожида мамлакатимизнинг иштироки беқиёсдир. Шунга мос равишда БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси 2018 йил 22 июнь куни қабул қилинди.

Мазкур резолюция Президентимизнинг Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, дўстона қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган оқилона ва изчил ташқи сиёсатининг жаҳон ҳамжамияти тарафидан кенг қўллаб-қувватланишининг яққол ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббуси асосида “Маърифат ва диний бағрикенглик ҳақида”ги резолюцияни БМТ Бош Ассамблеяси 2018 йил 12 декабрь куни тасдиқлади. Ушбу резолюциянинг қабул қилиниши Президентимизнинг диний экстремизм ва радикализмга қарши кураш борасида илгари сурган “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойилининг амалий ифодаси ва бу борадаги Ўзбекистон саъй-ҳаракатларининг дунё миқёсида кенг қўллаб-қувватланиши демакдир.

Шунингдек, 2019 йилнинг 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида Ўзбекистон ташаббуси билан “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш“ махсус резолюцияси қабул қилинди. Эътиборлиси, мазкур ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Маълумки, мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббусини илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил апрель ойида Пекинда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш билан “Бир макон, бир йўл“ халқаро форуми доирасидаги учрашувда илгари сурган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, кўрсатиб ўтилган резолюциялар нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё мамлакатлари, балки кўп сонли БМТга аъзо ҳамкор давлатлар иштирокида ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жумладан, уларнинг қабул қилинишида дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакати ҳаммуаллиф сифатида иштирок этди.

Шу кунларда БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича БМТга аъзо давлатлар билан фаол музокаралар олиб борилмоқда. Мазкур тадбирларда Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналаримиз томонидан 200 га яқин учрашув ҳамда мулоқот ўтказилгани алоҳида эътиборга молик. Мазкур жараён натижаси бўйича кенг жамоатчилик, албатта, хабардор қилинади.

Чиндан ҳам, мамлакатимиз саъй-ҳаракатларининг БМТ томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши Президентимиз илгари сураётган ташаббусларнинг дунё миқёсида ўз долзарблиги ва муҳимлиги жиҳатидан беқиёс аҳамиятга эгалигининг ёрқин далолатидир.

**“Дунё” АА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ БАҲОДИР ЙЎЛДОШЕВ



Мамлакатимиз санъати ва маданияти оғир жудоликка учради.

Миллий театр санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ва бетакрор истеъдод соҳиби, атоқли режиссёр, устоз санъаткор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Халқ артисти Баҳодир Турсунович Йўлдошев 76 ёшида вафот этди.

Б.Йўлдошев 1945 йил 7 сентябрда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида санъаткорлар оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент театр ва рассомчилик институтида режиссёрлик мутахассислиги бўйича таҳсил олди.

Меҳнат фаолиятини Ўзбек давлат академик драма театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) артисти лавозимида бошлади. Ўзининг шонли анъаналарига эга бўлган мазкур ижодий даргоҳда тез орада ўзига хос ёрқин услуби ва ижодий принципларига эга бўлган моҳир режиссёр сифатида шаклланди. Йигирма етти ёшида ушбу нуфузли театрга бош режиссёр ва бадиий раҳбар этиб тайинланди. Ўн уч йил давомида жамоада ишчан ижодий муҳит яратиш, театр репертуарини замонавий ҳамда мумтоз миллий ва хорижий асарлар билан бойитиш, иқтидорли истеъдод эгаларини тарбиялашга улкан ҳисса қўшди.

1984-2004 йилларда Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида бадиий раҳбар сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Санъатни чин дилдан севган, унга садоқат билан хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган ёрқин истеъдод соҳиби ўзбек режиссёрлик санъатида ўз ижодий мактабини яратди.

Б.Йўлдошев томонидан саҳналаштирилган "Абу Райҳон Беруний", "Ибн Сино", "Искандар", "Нодирабегим", "Юлдузли тунлар", "Қора камар", "Фармонбиби аразлади", "Келинлар қўзғолони", "Майсаранинг иши", "Чеча", "Аршин мололон" каби ўнлаб драматик асарлар миллионлаб санъат мухлисларининг қалбидан чуқур жой олиб, театр санъатимизнинг "олтин фонди"дан ўрин эгаллади. Ушбу асарларнинг аксарият кўпчилиги чет элларда ҳам катта муваффақият билан намойиш этилди.

Миллий театр санъатимизни янги ғоя ва талқинлар, бетакрор асарлар билан бойитиш ҳақида тинимсиз изланиб яшаган Б.Йўлдошев майдон томошалари, оммавий маданий тадбирларни саҳналаштириш бўйича нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилган, бадиий тафаккури ниҳоятда кенг, ўз касбининг чинакам устаси ва фидойиси бўлган атоқли ижодкор эди.

Улкан истеъдод соҳиби Б.Йўлдошевнинг ижодий фаолияти, ташкилотчилик салоҳияти, айниқса, мустақиллик йилларида ёрқин намоён бўлди. Мустақиллик ва Наврўз умумхалқ байрамлари ҳамда юртимиз ва чет элларда катта шуҳрат қозонган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалини, мақом ва бахшичилик, миллий ҳунармандчилик санъатларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманларнинг бадиий дастурларини яратиш борасида ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилганини халқимиз, маданий жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бутун онгли ҳаётини миллий санъатимизни равнақ топтиришга бағишлаган улуғ санъаткор 2009 йилда "Дийдор" ёшлар экспериментал театр-студиясини ташкил этиб, умрининг охирига қадар унга раҳбарлик қилиб келди. Ушбу студия фаолияти орқали ўнлаб иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, мумтоз миллий адабиётимиз намуналарини саҳналаштириш ва тарғиб этиш йўлида жонбозлик кўрсатди.

Б.Йўлдошев ўзининг бой билим ва тажрибаси асосида ёшларга саҳна илми, режиссёрлик санъатининг назарий ва амалий масалаларидан сабоқ бериш мақсадида марказий телеканалларимиз орқали ғоят ибратли "Маҳорат дарслари"ни ўтказиб келди.

Б.Йўлдошевнинг миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвонлари, "Меҳнат шуҳрати" , "Фидокорона хизматлари учун", "Эл-юрт ҳурмати", "Буюк хизматлари учун" орденлари билан мукофотланган эди.

Халқимизнинг буюк санъаткор фарзанди, бетакрор шахс, самимий ва камтарин инсон, ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози Баҳодир Турсунович Йўлдошевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, О. НАЗАРБЕКОВ, С. САИДОВ**

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРНИ ПУХТА ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ИЖРОСИНИ ЎЗ ВАҚТИДА, САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ



**Азиз ВОИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари**

**Бундан беш йил муқаддам мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ва шиддатли ислоҳотлар жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириб, Ўзбекистонни жаҳонга янги қиёфада намоён қилди. “Янги Ўзбекистон” ибораси пайдо бўлгани, у халқаро майдонда реал ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилаётгани юритилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри ва пухта эканини яққол тасдиқлайди.**

Албатта, ҳеч бир даврда ислоҳотлар осон кечмаганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида амалга оширилган янгиланишлар жараёнини ҳам хамирдан қил суғургандек силлиқ кечди, деб бўлмайди. Чунки қотиб қолган андозаларга барҳам бериш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини модернизация қилиш, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, одамларнинг ҳаётга қарашини ўзгартириш, турмуш шароитини яхшилаш, бугунидан рози бўлиб яшаши учун имкониятлар яратиш, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашдек ўта масъулиятли вазифалар ечими жуда катта меҳнат ва машаққат талаб қилади. Ўз навбатида, ҳозирги замон шиддати нуқтаи назаридан бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги суръатда давом эттирилмоқда.

Шу ўринда бир жиҳатни очиқ тан олиб айтиш керакки, авваллари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, эҳтиёжлари, муаммоларни жойига чиқиб ўрганиш, унга ечим топиш борасида яхлит бир тизим шаклланмаганди. Аксинча, аҳоли ўз дарду ташвишлари билан ҳали у идорага, ҳали бу идорага қатнаб сарсон бўлар, бюрократик тўсиқлар, ортиқча расмиятчиликлар туфайли масаласи ҳал этилмай, кўнгли совирди. Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳудудлар имкониятларини ўрганиш, қайси вилоят, туман, қишлоқ ёки маҳаллада қандай инфратузилмага эҳтиёж бор, турар жой, бандлик масаласи қандай, аёллар, кам таъминланган оилалар, ёшларнинг хоҳиш-истаги нимада, ҳududнинг “ўсиш нуқтаси” бўла оладиган соҳалар қайси — булар бўйича ҳам аниқ бир таҳлил, ечим деярли йўқ эди. Натижада кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари, ҳудудий дастурлар пастдаги ҳақиқий аҳволдан бехабар ҳолда кабинетларда ишлаб чиқилар, уларнинг ҳаётда амалга ошиши ҳам шунга яраша бўларди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундай ёндашувга чек қўйиб, “**Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак**” деган устувор тамойилни барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятининг асосий қоидаси сифатида белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари вилоятлар, туманлар, маҳаллаларга ташриф буюриб, аҳоли билан юзма-юз ва очиқ мулоқотлар ўтказиб, бу борада ибрат бўлди. Мазкур жараён ҳозир ҳам изчил давом этяпти. Ана шу мезон асосида масъуллар олис қишлоқ ва маҳаллаларга бориб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилмоқда, муаммоларини пастга тушиб ўрганиб, уларга жойида ечим топиш чораларини кўрмоқда. Бугунги кунда давлат бошқаруви тизимига кириб келган “маҳаллабай”, “фуқаробай” каби янгича ишлаш тамойиллари эса бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Эътироф этиш жоиз, муаммоларни тизимли ҳал қилишга асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳам уларни тезликда қабул қилиш эмас, балки халқимиз муҳокамасига қўйиш, одамларнинг фикри, муносабати, таклифларини ўрганиш, таҳлил этиш, шу асосда қонунчилик ҳужжатларини янада пишиқ-пухта қилиб, кейин амалиётга йўналтириш тизими муваффақиятли ва самарали жорий қилинди.

## ФАРМОН ТАЛАБЛАРИНИ СЎЗСИЗ ВА СИФАТЛИ БАЖАРИШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ

Албатта, энг асосий мезон — ижро интизоми. Чунки қанча ҳужжат ёки қарор зарур бўлса, уни ишлаб чиқиш, қабул қилиш мумкиндир. Аммо ана шу ҳужжатларнинг ҳаётдаги ижроси таъминланмаса, ислоҳотлар натижадорлиги кўринмайди. **Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида ҳам ислоҳотлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозимлиги таъкидланган эди.**

Жорий йилнинг 18 январь куни ўтказилган кенгайтирилган селектор мажлисида Президентимиз қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали йўлга қўйиш бўйича комплекс вазифаларни яна бир бор аниқ белгилаб берди. 2021 йил 10 февралда эса давлатимиз раҳбарининг “**Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат қонунчилик ҳужжатлари пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига тезкор етказиш, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истиқболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича зарур чоралар кўриш каби мақсадларга қаратилгани билан долзарбдир.

Шунингдек, **Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси Р.В.Абдуқодиров билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарида эълон қилинган суҳбатда** айнан Президентимизнинг ушбу фармони аҳамияти атрофлича очиб берилган бўлиб, у белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини янада теран англаш учун ўзига хос қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз фармони талаблари, аҳамияти ҳамда газетада эълон қилинган суҳбатда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг барча тузилмалари, ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари ҳамда масъул ходимларига тегишли кўрсатмалар берилди. Шунингдек, видеоконференцалоқа шаклида бир неча бор ўтказилган семинарларда **фармонда белгиланган барча вазифаларни сўзсиз, тўлиқ ва сифатли бажариш** шартлиги таъкидланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг вазирлик тизимида қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги буйруғи қабул қилинганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Буйруқ билан назорат режаси, вазирлик тизимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёнлари ижросини таъминлаш бўйича назорат ва ҳисобот беришни ташкил этиш тартиби тасдиқланди. Шу билан бирга, вазирлик ҳайъати йиғилишининг 2021 йил 24 февралдаги баёни билан вазирлик тизимида иш юритишни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари фармонига мувофиқ, Адлия вазирлигига қўшимча вазифа сифатида давлат органлари ва ташкилотларига қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси юзасидан ҳуқуқий-методик кўмаклашиш, тегишли бўлинмалар раҳбарларини ижро интизомига риоя этилиши бўйича ўқитиш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ижро интизоми бўйича масъул ходимларининг Адлия вазирлигида тажриба алмашиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

## КУНЛИК КУЧАЙТИРИЛГАН МОНИТОРИНГ

Ҳужжатлар асосида белгилаб берилган топшириқларнинг тўлиқ ва ўз муддатида бажарилишини таъминлаш юзасидан вазирлик раҳбарияти, масъул тузилмалар бошлиқлари томонидан **кунлик кучайтирилган мониторинг** жорий қилинган бўлиб, бу назоратдаги топшириқларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, барча таркибий бўлинмаларда тўлиқ жорий этилган **“mf.ijro.uz” электрон тизими** орқали тушган ҳужжатларни ташкилий-назорат бошқармаси таркибидаги назорат бўлими, девонхона ва жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими томонидан рўйхатга олиш, ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, маълумотлар базасини яратиш, ижро муддати яқинлашаётган топшириқлар бўйича масъул тузилмаларни огоҳлантириш, тўлиқ бажарилган топшириқларни назоратдан олиш, қолганларини ҳам қатъий назорат қилиш ва таҳлиллар ўтказиш бўйича доимий амалий чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

Ўз навбатида, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг 2019 йил 25 мартдаги вазирликда иш юритиш ва ижро назоратини такомиллаштириш тўғрисидаги буйруғига мувофиқ, ой давомида бажарилиши лозим бўлган барча топшириқлар ҳар ойнинг бошида масъул ижрочиларга электрон шаклда етказиб берилиши тизимли асосда йўлга қўйилган. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг тегишли буйруғига асосан, таркибий тузилмалар билан биргаликда назоратдаги топшириқларнинг бажарилиши юзасидан **кунлик электрон мониторинг** ўрнатилиб, **ижро интизоми натижаси бўйича таҳлилий ахборотлар тайёрланиб, вазирлик раҳбариятига тақдим этиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.**

Ҳар бир топшириқ тўлиқ бажарилганидан сўнг ижро тўғрисидаги ҳужжатлар вазирликда масъул ижрочилар томонидан электрон тарзда тақдим этилган асословчи ҳужжатлар билан бириктирилиб, белгиланган тартибда “mf.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратдан чиқарилмоқда.

Шунингдек, инвестиция ва ташқи савдо йўналишларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида пухта ишлаб чиқиш ва ижросини ўз вақтида, самарали таъминлаш тизимли равишда амалга оширилмоқда.

## ҲАР БИР МУРОЖААТ — ЭЪТИБОР ВА НАЗОРАТДА

Вазирликда **юқори ташкилотлар топшириқларини белгиланган муддатда ва сифатли бажариш** ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида**”ги қонун ва бошқа тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида кўриб чиқиш бўйича алоҳида кучайтирилган назорат тизими жорий қилинган. Шу боис, у хоҳ хорижий ёки маҳаллий инвестор бўлсин, хоҳ кичик бизнес вакили ёхуд оддий фуқаро, кимлигидан қатъи назар, ҳар бир мурожаат, албатта, эътиборда бўлади. Вазирлик уларда кўтарилган масалаларни ўз ваколати доирасида ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан жами 897 та мурожаат тушди. Бунинг 512 таси электрон шаклда, 359 таси шахсий қабул, сайёр ва ходимлар қабули ҳамда “ишонч телефони” орқали, 26 таси ёзма кўринишда тушган мурожаатлардир. Шулардан 530 таси бўйича тегишли чоралар кўрилди, 277 таси юзасидан тушунтириш берилди, 89 та мурожаат кўриб чиқиш жараёнида, 1 таси рад этилган.

Масалан, Тошкент вилоятидаги “Zuma Pharma” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган “Лиофил ва ишлатишга тайёр шприц-ручка ҳамда ампула шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш” инвестиция лойиҳасини кенгайтириш, лойиҳа доирасида қўшимча инвестицияларни жалб қилиш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида корхона ҳудудига туташ қўшимча 0,8 гектар ер майдони ажратиб берилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилинган. Вазирлик мазкур мурожаатни белгиланган тартибда кўриб чиқди. Ўрганишлар асосида “Паркент-фарм” ЭИЗ дирекцияси маълумотига, асосан, корхонага туташ ҳудуддан 0,8 га ер ажратиш имконияти мавжудлиги, ушбу масалани дирекциянинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиш учун корхона томонидан тегишли ҳужжатлар дирекцияга белгиланган тартибда тақдим қилиниши лозимлиги юзасидан мурожаат қилувчига пухта тайёрланган тушунтириш юборилди.

Яна бир мурожаат Навоий вилоятидаги “Navoi Bussines Company” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан боғлиқ. Мазкур тадбиркорлик субъектининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Афғонистон ва Қозоғистонга экспорт қилишга рухсат бериш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаати ҳам белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра, мурожаатда кўрсатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Афғонистон ва Қозоғистонга экспорт қилишга рухсат берилди.

Бошқа бир мисол банк ишига дахлдор. Жиззах вилоятидаги “Maks Liberti” МЧЖ томонидан иссиқхонада етиштирилган помидор маҳсулотларини қўшни давлатларга экспорт қилиш юзасидан давлат дастурига киритилган лойиҳа учун тегишли банк томонидан кредит ажратиш масаласи кечикаётгани бўйича кўмак сўраб қилинган мурожаат ҳам белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Мутахассисларимиз тегишли банк филиали билан боғланиб, улар билан ўзаро ҳамкорликда мурожаатни ўрганди. Икки кун муддатда ушбу тадбиркорлик субъектига дастурда белгиланган кредит суммаси ажратилди. Натижада мурожаат қилувчи — “Maks Liberti” МЧЖнинг муаммоси тўлиқ ҳал бўлди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бугунги кунда вазирлик ходимлари ҳар бир мурожаат, ҳар бир вазифа ва топшириқ ортида инсон тақдири турганини чуқур ҳис этади. Фаолиятига айнан шу нуқтаи назардан масъулият билан ёндашади.

Хулоса қилиб айтганда, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги жамоаси танқидий таҳлил, тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик тамойилига қатъий амал қилган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгилаб берилган вазифаларни сўзсиз, тўлиқ ва сифатли бажариш йўлида бор куч, билим ҳамда салоҳиятини ишга солади.

5 МУҲИМ ТАШАББУС

# БИРИНЧИ ТАШАББУС



## ЁШЛАРНИНГ МУСИҚА, РАССОМЛИК, АДАБИЁТ, ТЕАТР ВА САНЪАТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИГА ҚИЗИҚИШИНИ ОШИРИШГА, ИСТЕЪДОДИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Биринчи ташаббус доирасида ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини оширишга қаратилган юртимизда мавжуд 826 та маданият марказида 4 522 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 1 762 та мусиқа жиҳозлари етказиб берилди. Тўгаракларга 52 965 нафар ёшлар жалб қилинган.**





**Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат ва мусиқа йўналишидаги 36 503 та тўгаракка 1,1 млн. нафар (18%) ўқувчи-ёшлар жалб қилинган. 10 мингдан ортиқ мусиқа жиҳозлари етказиб берилган.**

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан мамлакат миқёсида Маданият ойлиги ташкил этилди. “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида қўшиқлар танлови, “Янги Ўзбекистонда — янгича дунёқараш” шиори остида видеоролик ва қисқа метражли фильмлар, ёш ижодкорлар ва ҳаваскорлар ўртасида “Ижтимоий видеороликлар” танловлари ўтказилди.**

**Ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид Давлат дастури қабул қилинди. Унга кўра, 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш бўйича ҳудудий “йўл харита”лари тасдиқланди.**

**Бугун юртимиздаги 37 та давлат театрида бешта муҳим ташаббус доирасида 42 та тўгарак ташкил этилган бўлиб, уларга мингга яқин ўқувчи жалб этилган.**

**“Ботир Зокиров санъати давомчилари” кўрик-танловининг туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичлари ташкил этилди. 50 нафар йигит-қиз танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.**










**Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида “Ватан мадҳи юксак қадрият” шиори остида қатор тадбирлар ўтказилди.**

**Дастлаб Сирдарё вилоятидаги туман ва шаҳарлар кутубхоналарига 300 минг нусха бадиий адабиётлар етказиб берилди. Мусиқа ва санъат мактаблари чолғу асбоблари, спорт объектлари жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишлар Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, “Маърифат карвони” ташкил этилди. Ёшлар учун 25 минг дона китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблари муҳайё қилинди. Бу тажриба республикамизнинг барча ҳудудларида кенг қулоч ёйди.**





ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz  yuz.uznews  yuz_official  yuz.uz_news

# БЕШ ТАШАББУС ҚАНОТИДА



# ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЮКСАЛАЁТИР







## ТАШАББУСЛАРНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

Бошланиши 1-бетда

**БИРИНЧИ ТАШАББУС — ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш.**

Болаларимиз учун театр эшиклари ёпиқ эмас экан. Ота-оналар фарзандлари қўлидан етаклаб бу қутлуғ даргоҳга кела бошлади. Адабиёт ҳам ҳали ўлмаган эди. Мактабларга шоир-ёзувчилар қадам ранжида қилди. Йигит-қизлар “тирик ижодкорлар” билан суҳбатлашди. Қалбимизга миллий мусиқа садолари сингди. Мусиқа мактабларида яна миллий куйларимиз, ўлмас оҳангларимиз овозини эшитдик. Энди болаларга халқ артистлари, машҳур бастакорлар дарс ўтишга киришди.

Бу бизга нима берди? Дафъатан қалбимиз адабиёт, театр, умуман, санъатга ҳамон ошно эканини сездик. Фарзандимизни чиройли кийинтириб, мактабга жўнатишдан ташқари, унинг нималар билан машғул эканини, илмга, ихтироларга қизиқишини салгина қўллаб-қувватласак, боболаримиз сингари олимлар етишиб чиқиши ҳақида қайғура бошладик.

**ИККИНЧИ ТАШАББУС — ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш.**

Уйимиз ёнида болалар ўйингоҳи йўқлигидан қайғурадиган замонлар ҳам ортда қолди. Ҳар тонг болаларнинг шодон кулгусидан уйғонадиган бўлдик.

Маҳаллаларда мўъжаз стадионлар, югуриш, сайр қилиш учун махсус йўлаклар қурилди. Машғулотлар заллари кўпайди. Мактабларда спорт тўгараклари очилди. Инвентарлар билан тўлди, мураббийлар шаклланди. Фақат бир ҳаракат қолди: бориш керак, спорт билан шуғулланиш керак.

Бундан уч-тўрт йил аввал эса эрталаб югуриш учун йўлак тополмасдик. Охири “қўй шу жисмоний тарбияни”, дея қўл силтаб қўя қолардик.

Ниҳоят, бугунги Ўзбекистон ёшлари ҳар томонлама соғлом, руҳи тетик, илиги тўқ бўлиб вояга етмоқда. Ҳа, деганда поликлиникага, шифохонага қараб чопавермаймиз. Фарзандимиз сал совуқ бўлса шамоллаб қолмайди. Иммунитети мустаҳкам бўлиб ўсяпти. Тан олайлик, ўзимиз ҳам шу баҳонада спортга ошно тутиндик, соғлом турмуш тарзини танладик.

Бугун фарзандимизнинг спортда эришган ютуқларини кўриб қувонамиз. Халқаро мусобақаларда қозонган ғалабаси эса ҳаммамизнинг фахримиз.

**УЧИНЧИ ТАШАББУС — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил қилиш.**

Уйимизда компьютер, интернет бўлди, лекин ундан нима мақсад учун фойдаланяпмиз, кўп ҳам англамадик. Чунки ҳеч ким биздан “қаёққа қараб кетяпсиз ўзи”, деб сўрамади, тўғри йўл бошқа томонда эканини кўрсатмади. Инсон табиати билан ана шу бўшлиққа мойил.

Ниҳоят, Президентимиз компьютер технологиялари, интернет имкониятлари бугунги замон, ҳозирги ёшларимиз учун илм ва янги ихтиролар манбаи эканини бешта муҳим ташаббусида кўрсатиб берди.

Шу ташаббус туфайли олис ҳудудларда ҳам ахборот технологиялари марказлари очилди. Бу ерда мактаб ўқувчилари, ёшлар янги ғоялар, дастурлар яратишга киришди. Биласиз, ғоя ва ихтиро барча замонларда қадрланган. Айниқса, бугунги инновацион замонда ғоя — катта бойлик.

Учинчи ташаббус натижасини кўп куттирмади. Бугун Ўзбекистондан ҳам ахборот технологиялари билимдонлари етишиб чиқяпти. Сайт яратаётган, янги дастурлар ишлаб чиқаётган мактаб ўқувчилари, талаба-ёшлар борлиги фикримизга мисол.

**ТЎРТИНЧИ ТАШАББУС — ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш.**

Чор тарафга “китоблар карвони” йўл олди. Кутубхоналар китобга тўла бошлади, фарзандларимиз билан бирга ўзимиз ҳам мутолаа завқини туйдик.

Гапнинг хонаси келганида айтамиз, ҳозир ўйлаб кўрсак, бир замонлар ўз боламиз учун китоб сотиб олишга пулни кўзимиз қиймас экан.

Бугунчи? Бугун китоб акцияларида ҳам иштирок этаяпмиз, ўзимиз ўқиган мактабларга китоб совға қила бошладик. Китобхонлик танловларида ғолиб бўлиб, отасига автомобиль совға қилган ёшларимиз ҳозир қанча?!

Мутолаа билан маънавият ҳам улғаяди. Маънавият эса миллий тикланиш демак. Шу боис, Президентимиз такрор ва такрор маънавий юксалиш ҳақида қайғуради. Бу йўлда ҳар биримиздан фидойилик талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил аввалида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказган йиғилишида **“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятдир”,** деган эди.

Бешта муҳим ташаббуснинг тўртинчиси бизни ана шундай қудратли йўлга бошлади.

**БЕШИНЧИ ТАШАББУС — хотин-қизларни иш билан таъминлаш.**

Бўлади, ҳаммасига эришса бўлади. Гап шундаки, Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси хотин-қизларни ҳам қамраб олди. Оналар, опа-сингиллар, қизларимиз ишли бўлсин, деди. Бунинг замирида ҳам катта маъно мужассам. Негаки, аввало, она хотиржам бўлса, ҳаётидан кўнгли тўлса, фарзанд тарбиясида ҳам кемтиклик кузатилмайди.

Бешинчи ташаббус доирасида жойларда тикув цехлари, хизмат кўрсатиш объектлари очила бошлади. Хотин-қизларга имтиёзли кредитлар берилди. Улар эса гўзаллик салонлари очди, тикув машинкалари харид қилди, касаначилик, паррандачилик билан шуғулланди ва ҳакозо.

Муддао битта эди: хотин-қизларни ишли қилиш.

Бугун орамизда бешинчи ташаббус туфайли ишли бўлган, ҳаётини изга қўйиб, бахтини топган аёллар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири фарзандини бағрига меҳр билан босади. Президентимиз ташаббуси уларга ана шундай бекиёс бахт ато этди.

### Учинчи Ренессанс пойдеворига асос

Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида кўп гапириш мумкин. Бугун эътиборингизга ана шу ташаббуслар мазмун-моҳиятини яна бир бор етказмоққа киришдик. Зеро, бу ташаббуслар ҳаётийлиги билан бардавомдир.

Юқорида айтганимиз ана шу ташаббуслар қанотида фарзандларимиз, ўзимизнинг ҳаётимизга инган илм, соғлиқ, маънавий юксалиш баракасини сезяпмиз. Бу қутлуғ жараёнда Президентимиз таъкидлаганидек, **биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси, эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади.**

Яна бир гап. Биз боболаримиздан мерос Ренессанс пойдеворини қуришга бел боғладик. Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси эса ана шу йўлнинг асоси бўлиши шубҳасиз.






## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси каби институционал тузилмалар ташкил этилиши улар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда стратегик йўналишларни белгилаш, олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг 18,9 миллион нафари ёки 54 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар эканини инобатга олсак, мазкур қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш ва кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий-амалий ечимини топиш ғоят муҳим вазифа экани аён бўлади.

2019 йил 19 март куни давлатимиз раҳбари томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, ёш авлодга эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига алоҳида урғу бериш мақсадида 5 та муҳим ташаббус илгари сурилгани янги Ўзбекистонни бунёд этишда



ёшлар таълим-тарбияси бўйича янги босқични бошлаб берди.

Беш ташаббус нозик дид, кенг тафаккур ва дунёқарашга эга, жисмонан ва руҳан соғлом фарзандларимизнинг ўз келажагини ишонч билан қуриши ҳамда Ватан равнақига ҳисса қўша оладиган етук инсон бўлиб камолга етиши учун мустаҳкам заминдир. Беш ташаббус янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги авлодини шакллантириш концепцияси бўлиб хизмат қилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Беш ташаббусни амалга ошириш негизида ёшларни маънавий, иқтисодий, маърифий “уйғотиш”, жамиятда ўз ечимини кутаётган ижтимоий “хасталиклар”ни “даволаш” амалиёти кўзда тутилган.

Ушбу 5 ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олиниб, умумхалқ ҳаракатига айланди. Ташаббус дастлаб Бўка, Қуйи Чирчиқ ва Учтепа туманларида тажриба сифатида жорий этилиб, яна 42 та туман (шаҳар)нинг 168 та олис ва оғир аҳволдаги маҳаллаларида муваффақиятли амалга оширилди. Шунингдек, Андижон, Қашқадарё, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ёшларнинг стартап лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган IT парклар бунёд этилди.

Бугунги кунга қадар ташаббуснинг мамлакатимиз ёшлари ҳаётига кенг кириб боришини таъминлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

**Биринчи ташаббус** бўйича ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш бўйича юртимиздаги 826 та маданият марказида 4522 та тўгарак фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 1762 та мусиқа жиҳози етказиб берилди. Тўгаракларга 52965 нафар ёш жалб қилинди. Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат ва мусиқа йўналишидаги 36503 та тўгаракка 1,1 миллион нафар (18 фоиз) ўқувчи-ёш жалб қилинди. 10 мингдан ортиқ мусиқа жиҳозлари етказиб берилди.

**Иккинчи ташаббус** доирасида ёшларни жисмоний чиниқтириш ва уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён этиши учун зарур шароит яратиш бўйича 51651 та спорт иншоотида 100 мингдан ортиқ спорт тўгараклари ташкил этилиб, уларга 1,5 миллион нафар ёш қамраб олинди. Умумтаълим мактабларида 10 та спорт тури бўйича 49196 та спорт тўгараги фаолияти йўлга қўйилиб, 1,2 миллион нафар ўқувчи мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Шунингдек, 254 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 328 875 нафар, спорт турларига ихтисослаштирилган 54 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабига 33 438 нафар ўқувчи-ёш жалб қилинди. Спорт иншоотлари, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда умумтаълим мактабларига умумий қиймати 25 миллиард сўмлик спорт жиҳозлари, инвентарлар ва кийимлар етказиб берилди.

**Учинчи ташаббус** бўйича компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 107 та “Рақамли технологиялар ўқув маркази” фаолияти йўлга қўйилгани ҳам ёшларимиз учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Шунингдек, “Бир миллион дастурчи” каби ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида 14940 та компьютер синфлари мавжуд бўлиб, уларда Ахборот технологиялари йўналишида 14 765 та тўгарак ташкил этилган ва 510 минг нафарга яқин (8 фоиз) ўқувчи жалб қилинган.

**Тўртинчи ташаббус** бўйича ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда фаолият олиб бораётган 201 та ахборот-кутубхона марказида 16,3 миллион китоб фонди мавжуд бўлиб, аъзолари сони 1,2 миллион нафар. Ҳудудлардаги ахборот-кутубхона марказларига 400 миллион сўмлик жами 150 мингдан ортиқ китоблар етказиб берилди.

Наманган вилоятида “Нодирабегим” номидаги ахборот-кутубхона марказини капитал таъмирлаш ва ободонлаштириш учун 2 миллиард сўм, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Қува ва Ёзёвон туманлари ахборот-кутубхона марказлари учун 245 миллион сўм маблағ ажратилди.

Умумтаълим мактаблари кутубхоналарида 18,6 миллион нусха адабиёт фонди мавжуд бўлиб, аъзолари сони 4,1 миллион нафар. 14488 та китобхонлик клуби фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 582 минг нафардан ортиқ ўқувчи жалб қилинди.

Ёшлар маданиятини юксалтириш, улар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида “Китобхон ёшлар”, “Энг фаол китобхон”, “Тез ўқиш”, “Китоб менинг дўстим”, “Ёш китобхон”, “Ёш ижодкорлар”, “Китобхон оила”, “Ёш билимдонлар”, “Қодирийлар”, “Билимдон юлдузлар”, “Кичик файласуфлар”, “Билимдон” номли лойиҳа ва танловлар амалга оширилди. Жумладан, “Маърифат карвони” тадбирлари доирасида ёшларга 3 миллиондан ортиқ китоб етказиб берилди. “Ёшлар кутубхонаси” рукни остида 59 номдаги 590 минг дона бадиий адабиёт чоп этилиб, барча таълим муассасалари кутубхоналарига тарқатилди.

**Бешинчи ташаббус** доирасида хотин-қизларнинг касб кўникмасини мустаҳкамлаш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, уларни доимий иш билан банд қилиш мақсадида 75 та туманда 111 та тикув-трикотаж ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Уларга жами 35 минг нафар аёл ишга жойлаштирилди. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш йўналишида ўтган давр мобайнида 170 мингга яқин иш ўрни яратилди. Тижорат банклари ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан ортиқ хотин-қизга 4,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

2020 йилда 76,2 миллиард сўм имтиёзли маблағлар эвазига 76198 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Шунингдек, 15 935 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга ўргатилди. Юртимизнинг барча ҳудудларида Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди.

2021 йилнинг мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши, бу йўналишда Давлат дастури қабул қилингани ёшлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очди. Айни пайтда беш ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар давомийлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қилмоқда.

Президентимиз раислигида жорий йил 27 январь, 10 февраль ва 13 апрель кунлари бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишларида ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилиши ёшлар масаласи доимий эътиборда эканидан далолатдир.

Афсуски, жойларда ҳали-ҳамон 5 ташаббус моҳиятини чуқур англаб етмаган, ёшлар муаммоларига беписанд муносабатда бўлаётган, иқтидорли ёшлар тақдирига беэътибор қараётган мутасаддилар оз бўлса-да, учраб турибди.

Мухтасар айтганда, беш ташаббус ёш авлод онгига замонавийлик руҳини сингдириш, уларни яратувчанликнинг янги йўналишларига бошлашда асосий омил вазифасини бажармоқда. Ҳозирги Ўзбекистон сиёсати ёшларнинг айни ўзига хослигини тўғри йўлга йўналтириш, эзгу мақсадни қатъий қўйган ҳолда унга интилиш ва имкониятлардан самарали фойдаланишни кўзда тутади. Яратилган барча имтиёз ва имкониятлардан фақат фаол, ташаббускор, иқтидорли ёшлар эмас, барча ёшлар тенг фойдаланиши зарур. Зеро, бугун камол топаётган ёшлар йиллар ўтиб давлатимизнинг эртанги тараққиётини, халқаро майдондаги ўрнини белгилашда етакчи кучга айланиши, шубҳасиз.




# БЕШ ТАШАББУС ҚАНОТИДА

5 МУҲИМ ТАШАББУС

# ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЮКСАЛАЁТИР



**Бепоён кенгликлар қўйнида ястаниб ётган пахта далалари оралаб кенг йўлда елиб бораётган машина чапга қайрилиши билан манзара бутунлай ўзгарди. Ҳайдовчининг айтишича, бу — биз кўзлаб келаётган манзил — “Бўстон”. Бир қарашда кичик шаҳарчани эслатадиган маҳаллага киришингиз билан ўнг томонда 450 томошабинга мўлжалланган “Бўстон арена” стадиони, сўл томонда “Халқ кутубхонаси” қарши олади. Хоҳ улова ўтинг, хоҳ пиёда — йилнинг бу мавсумида кутубхона ҳовлисида қийғос очилган жийда гулининг ёқимли бўйи димоғингизга уради, кайфиятингиз янада кўтарилади. Ранг-баранг чиннигул-у атиргуллар баҳри дилингизни очади.**

Кўчалар равон, соя-салқин. Бир текисда қад ростлаган уйлар, келинчакдек саришта ҳовлилар бу ернинг яқинда обод қилинганини сездириб қўяди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида “Бешта муҳим ташаббус” ғояси илгари сурилган, уни амалга ошириш эса Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги “Бўстон” маҳалласидан бошланган эди. Дастлаб маҳалла қиёфаси ўзгарди, ўз номига муносиб бўстонга айланди. Эски, ўйдим-чуқур йўлларга асфальт ётқизилди, тунги чироқлар ўрнатилди. Уйларнинг ташқи қисми таъмирланиб, томи янгиланди. 4,3 километр газ қувури демонтаж қилинди. 2,3 километр тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. Маҳалла кўркам қиёфага кирди, ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилди.

## Ёшлар ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлди?

Бўстонда қўр олган эзгу ташаббус мамлакат бўйлаб кенг қанот ёйди. Қисқа фурсатда юртимизнинг энг чекка ҳудудларигача кириб борди. Бунинг ортидан ёшларнинг мусиқа, санъат, адабиёт ва спортга қизиқиши ошди, истеъдодлар юзага чиқди. Китобхонлик тарғиб қилиниб, оилаларда, таълим муассасаларида китобхонлар кўпайди. Ёшларнинг компьютер технологияларига қизиқишини ошириш мақсадида жойларда компьютер ва интернетни ўргатувчи марказлар очилди. Алалоқибат, инсониятнинг кейинги тараққиётини белгиловчи муҳим йўналиш деб эътироф этилаётган IT соҳасига қизиқувчи ёшлар кўпайди.

Айни пайтда тикувчилик цехи ва гўзаллик салони маҳалла хотин-қизларини иш билан таъминлади. Буларнинг бари “Бўстон” маҳалласида юз кўрсатди ва нафақат бу маҳалла, балки бутун туманда истиқомат қилаётган 69 мингдан ортиқ ёшларнинг вақти мазмунли ўтиши учун катта имконият яратди.

Мана шундай ўй-хаёллар билан маҳалла марказига етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Илк манзилимиз — 1,6 гектар майдонга эга Ёшлар истироҳат боғи. Боғда туман ва маҳалла ёшлари волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, стол тенниси билан шуғулланиши, аттракционларда учиши, рақс майдони ва интернет кафеда бўш вақтини мазмунли ўтказиши мумкин. Боғнинг чап томонидаги “Ҳарбий ватанпарварлик” бурчагида ёшлар ҳарбий техникалар билан танишиш имкониятига эга. “Китоб кафе” ишлаб турибди. Ёшлар QR код орқали исталган китобни юклаб олиши мумкин. Бундан ташқари, боғ вилоят миқёсида ўтказиладиган турли маданий-маърифий тадбирларга ҳам хизмат қилмоқда. Куни кеча “Энг намунали туман, шаҳар сардорлар кенгаши” танловининг вилоят босқичи шу боғда ўтказилди.

**Диёрбек ЧИНПЎЛАТОВ,
Бўка тумани ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:**

— Кейинги йилларда “Бўстон”да мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Кўриб турибсиз, Ёшлар боғига ёндош — 7-қишлоқ оилавий поликлиника биноси замонавий кўринишга эга. Илгари маҳалла аҳли оддий ташхис учун ҳам туман марказига боришга мажбур эди. Поликлиника мукаммал таъмирдан чиқарилгач, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 100 қатновга мўлжалланган шифо маскани бешта маҳалладаги 14 мингдан зиёд аҳолига хизмат қилмоқда. Кундузги стационар, ижтимоий дорихона, электрон поликлиника тизими йўлга қўйилган.

Поликлиника ёнида 300 ўринли тикувчилик цехи фаолият бошлади, гўзаллик салони ишга туширилди. Ихчам иссиқхона халқ хизматига шай. Маданият саройи реконструкция қилиниб, 300 дан ортиқ ёшлар санъатнинг турли йўналишларида машғулотларга жалб этилган. 4-сектор ва маҳалла идорасининг ҳам янги биноси қад ростладики, рамзий маънода бу ердаги ҳаёт, хусусан, ёшлар бандлиги маҳалла фаолларининг назоратида.

Туманимизда 54 та умумтаълим мактаби ва “Баркамол авлод” болалар мактаби мавжуд бўлиб, айни пайтда таълим муассасаларида 22 минг 360 нафарга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда. 5 та муҳим ташаббус бўйича режа-жадваллар ишлаб чиқилиб, тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. 423 та тўгаракда 13305 нафар ўқувчи, таълим муассасаларидаги 612 фан тўгарагида 14255 нафар ўқувчи севимли машғулоти билан шуғулланаётир.

Тумандаги барча таълим муассасаларида уюшмаган ёшларни жалб этган ҳолда муассасалардаги спорт заллари ва спорт майдончалари кечки 17:00 дан 23:00 гача фаолият юритмоқда.

## “Ошно бўлдим десам, кўнглунг сани бегонада...”

1968 йили кинотеатр сифатида қурилган “Бўстон” маданият саройи кейинги вақтларда фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. 2019 йил ушбу маданият ва санъат ўчоғи ободликка юз тутди: салкам 2 миллиард сўмлик реконструкция ишлари бажарилиб, замонавий жиҳозлар, мусиқа асбоблари билан таъминланди. Бугун бу ерда ҳатто рояль ҳам бор. Иқтидорли ўғил-қизлардан иборат “Янги келажак ниҳоллари” гуруҳига Президент совғаси — “ISUZU” автобуси топширилди.

Икки йилдан буён сарой ёшлар билан гавжум. Тўгараклар 11 йўналишда фаолият олиб боради. Машғулотларга 370 нафар ўғил-қиз қамраб олинган. “Бўстон”, “Жўраобод”, “Бўка”, “Бахмал” маҳаллаларидан болалар келади.



**Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,
Бўка туман маданият бўлимининг ёшлар билан ишлаш бўйича мутахассиси:**

— Туманимизга бешта муҳим ташаббус кириб келгунига қадар маданият ва маърифат масканлари хароб аҳволда эди. Мазкур маданият саройи мукаммал таъмирдан чиқарилгач, “Янги келажак ниҳоллари” гуруҳи ҳамда театр, тасвирий санъат, фортепиано, рубоб, доира, анъанавий ва эстрада хонандалиги каби бир қатор йўналишлардаги тўгаракларга қўшни маҳаллалардан, шунингдек, туманимиз марказидан ҳам ўқувчилар кела бошлади. Ўғил-қизларимиз вилоят ва мамлакат миқёсидаги тадбир ва танловларда ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоевнинг бир оёғи шу ерда. Боиси, ёш истеъдодларнинг шаклланиши ва ўз услубига, йўналишига эга бўлишида устозлар сабоғининг аҳамияти катта. Умуман, маҳорат дарси ўтиш учун пойтахтдан халқ артистлари, таниқли санъаткорлар тез-тез келиб туради.

Шу ерда суҳбатимиз узилди. Қўшни хонадан эшитилган ширали овоз эътиборимизни тортди. Буни пайқаган Фарҳод ака бизни ўша ёққа бошлади.

*Ошиқ эрмасман юзингга*
*якка бу Фарғонада,*
*Зоҳид истар каъбаларда,*
*барҳаман бутхонада.*
*Кимга дод айлай бу бедодингни ман,*
*эй сангдил,*
*Ошно бўлдим десам, кўнглунг*
*сани бегонада...*

Ажойиб ижро бўлди ўзиям, сел бўлиб тингладик. Куйда сеҳр бор, деганлари ростлигига яна бир бор амин бўлдик.

19-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, Маданият саройи “Ёш мақомчилар” тўгараги раҳбари Диёра Зиёдуллаева бизни илиқ кутиб олди. Шогирди Умархўжа Акмалов билан таништирар экан, унинг мақом йўналишида республика танловига тайёргарлик кўраётганини таъкидлади. 10 ёшли санъаткор 19-умумтаълим мактабининг 4-синфида таҳсил олиш билан бирга, мусиқа ва санъат мактабида ҳам ўқийди. Бўш вақтида Диёра опасига эргашиб, Маданият саройи тўгаракларига келади.

— Дадам санъат шинавандаси, ўзи ҳам катта ашулалар хиргойи қилиб туради, — дейди Умархўжа. — Акам ва укам ҳам мусиқа мактабида ўқийди.

— Ҳали бошланғич синфда ўқир экансиз. Мақом мураккаб йўналиш. Ғазалларни ёдлаш, баланд пардаларда куйлашга қийналмайсизми?

— Йўқ. Дадам мақомни 3-4 ёшимдан бошлаб ўргатган. Ғазалларни оҳанги билан ёд олганман.

— Қайси қўшиқни севиб ижро этасиз?

— Ҳозир ижро этганим “Якка бу Фарғонада”ни жуда яхши кўраман. Муқимий ғазали, устоз Маъмуржон Узоқов ижро этган. Яна Муқимий ғазали билан “Суратинг”ни ҳам маза қилиб айтаман.

Санъат ва адабиётга ошно бу болакай ҳали “Якка бу Фарғонада”ни авж пардаларда куйлаб, жаҳон саҳналарини забт этишига, ҳатто бизнинг тилимизни тушунмайдиган не-не кўнгилларга завқ улашиб, турли халқларни ўзбек мақом санъатига ошуфта қилишига ишончимиз ортади...

Қўшни хонада “Дуторчи қизлар” тўгараги аъзолари тўгарак раҳбари Ситора Тўйчиевадан дутор чалиш сирларини ўрганмоқда. Биз аста хонага мўралаймиз.

Эътиборимизни Ульяна Иванова исмли қиз тортади. У 39-мактабнинг 5-синфида ўқир экан. Бир йилдан буён Маҳлиё, Шоҳинур, Мафтуна деган дугоналари билан миллий чолғу асбоби — дутор чалишга қизиқиб, машғулотларга қатнай бошлабди. Тўгарак раҳбарининг айтишича, Ульяна бошида дутор чалишга қийналган. Шунинг учун ҳар куни устозининг эшигини тақиллатиб бораверган.

— Дарвоза “тиқ” этса, ҳойнаҳой Ульяна келди-ёв, дейдиган бўлиб қолдим. Чиқсам, чиндан эшик ортида жилмайиб, қизаринқираб, қўлида дутор билан Ульяна турган бўлади. Бундан мен ҳам завқланардим. Ҳозир қўли анча келишиб қолди, — дейди тўгарак раҳбари С.Тўйчиева.

Тўгаракда айни пайтда 15 нафар қиз икки сменада шуғулланмоқда. Қизлар ҳозиргача “Яллама ёрим”, “Дўлонча”, “Лола рақси”, “Наманганнинг олмаси”, “Тановар”, “Қаринаво” каби халқ куйларини пухта ўрганди.

Хонадан чиқарканмиз, қизларнинг сеҳрли бармоқлари дутор торларига “жон” киритади, сеҳрли куй таралади. Очиқ деразалардан “Яллама ёрим”нинг ўйноқи оҳанги ташқарига ҳаракатланади. Рўпарадаги Ёшлар боғи, поликлиника, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги маҳалла аҳли, айниқса, мажмуа ҳовлисида ҳордиқ чиқариб ўтирган бобою бувилар таниш куйга маҳлиё бўлади.



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

## Маҳалладан чиқмай 4 миллион сўм маош олаётган аёллар

Бўкаликлар ерга меҳр берган. Асосан, томорқа, экин-тикин орқасидан кун кўради. Туман марказидан олисда жойлашган Хўжақўрғон ва Янгиобод маҳаллалари хотин-қизлари учун ҳудудда “Buka Mega lux” МЧЖ очилиши айни муддао бўлди. Боиси, тикувчилик цехи уларнинг вақтига мазмун киритиб, хонадонига даромад келтираётир.

**Шуҳрат МУҲАММАДИЕВ,
тадбиркор:**

— Президентимизнинг 2019 йили Бўка туманига ташрифи доирасида фойдаланишга топширилган “Buka Mega lux” МЧЖ тикувчилик цехи аёллар бандлигига кўмаклашади. Бу ерда 70 иш ўрни яратилган. Дастлаб, Тошкент шаҳридан мутахассислар чақириб, 3 ой давомида аёлларни касбга ўқитдик. Хўжақўрғон, Янгиобод маҳаллаларида яшовчи хотин-қизларнинг бичиш-тикишга уқуви борлари айни пайтда шу ерда меҳнат қиляпти.

Тикувчилик цехида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ҳам бор. Улар озми-кўпми, оиласини даромад билан таъминлаётганидан хурсанд. Айрим аёлларга, масалан, ёш болали ёки уйида ўтириб ишлашни маъқул кўрадиганлар учун ҳам шароит яратилган. Ярим тайёр маҳсулот уларга тарқатилади, ишлар тайёр бўлгач, йиғиб олинади. Бу ерда тикилаётган мавсумий кийимларга юртимизнинг барча вилоятларида талаб юқори. Қўшни Қозоғистон ва Тожикистон бозорларида ҳам харидоргир.

## “Фазилат” кутубхонаси: на қулф бор, на калит

Эшигига қулф-калит солинмайдиган, 24 соат давомида халқ хизматига шай кутубхона ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Шунақаси ҳам бўларканми, деб ажабланманг, шундай кутубхона Бўка туманида бор. Номи ҳам содда: “Фазилат” кутубхонаси.

Шавкат Мирзиёев Бўстон маҳалласига ташрифи чоғида туманнинг бир гуруҳ иқтидорли ёшлари билан ҳам учрашган эди. Ўшанда тумандаги 23-умумтаълим мактабининг 2-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубова “Беш ташаббус” номли шеърини ўқиб берган, бундан таъсирланган давлатимиз раҳбари қизалоққа “Кобальт” автомашинаси совға қилган эди. Бундан ташқари, туман аҳолисини китобхонликка тарғиб қилиш мақсадида “Фазилат” кутубхонаси ташкил этилиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан 2000 дан ортиқ китоб туҳфа қилинди. Айни пайтда кутубхона 4 мингдан ортиқ китоб фондига эга.

— Кутубхона халқники, автомашина ҳам. Шунинг учун халқ хизматида. Кимнидир туман марказига шошилинч шифохонага элтиш керакми ё кимнингдир бошқа зарур иши борми, машина тайёр. Кутубхона эшиги эса, кечаю кундуз ёпилмайди. Китобхонлар келиб, ўзига керакли китобни танлаб, махсус дафтарга қайд қилиб боради. Ўқиб бўлгач, қайд тўғрисига ўз имзосини қўйиб кетади. Бошида қулфлаб юрдик: ўғри ҳам, тўғри ҳам келди. Баъзан иш билан банд бўлиб назоратга ололмадик. Яъни бу ерга келган китобхон гоҳ қуруқ қўл билан қайтса, гоҳ остонада соатлаб кутарди. Нима қилиш керак? Роса ўйладик. Ахир кутубхона ташкил этишдан мақсад давлатимиз раҳбарининг одамлар китоб ўқисин, илм-маърифатли бўлсин, деган ташаббусини қўллаб-қувватлашдан иборат-ку, деган фикрда тўхтадик. Қолаверса, “Фазилат” кутубхонасини очиш ғояси шахсан Президентимизники бўлса. Шундай экан, қулф-калит на даркор, китоб йўқолса ҳам, кимдир ўқийди-ю, дедикда қулф-калитни олиб ташладик, куну тун ишлайдиган қилиб қўйдик. Қайтанга, шундан буён китоб йўқолиши тўхтади, — дейди Фазилатнинг отаси Ҳикматилла Ёқубов.

Мутолаага қизиқиш, китобга меҳр Фазилатга отасидан юққан. Ота-боланинг суҳбати ҳам ғоят мароқли. Мумтоз адабиётимиздан дейсизми, замонавий шеъриятданми — ота-бола баҳру байт бошласа, ўртага тушиш йўқ, енгилишингиз тайин.

Айниқса, шанба ва якшанба кунлари Фазилат учун байрам. Боиси, ўқишдан бўшаган ёшлар мушоирага, адабий гурунгга жам бўлади. Ҳозир ҳам Фазилат томонидан ўртага ташланган қизиқарли “Математик шеър” барчани мушоҳадага чорлади:

*“Олтиной билан Собир*
*Адирдан гул теришди.*
*Терган гули турфа хил*
*Тўқ-қизил, сариқ, пушти.*
*Гулга бўлиб парвона,*
*Учиб қўнар капалак.*
*Шохда бешиктебратар,*
*Турар парвойи фалак”.*

— Сизларга топшириқ шу, — бийронбийрон сўзлайди Фазилат, — мана шу шеърдаги сонларни аниқлаб, санаб беришингиз керак.

Савол бизни ҳам ўйлантириб қўйди. Қоғоз-қалам олиб, рақам санашга тушдик.

Берилган вақт ниҳоялаб, тўғри жавоблар умумлаштирилди.

— Шеърда олтита рақам бор: “Олтиной”да “олти”, “Собир”да “бир”, “тўқ-қизил” сўзида “тўққиз”, “учиб”да “уч”, “қўнар”да ўн, “бешиктебратар”да “беш”, деди охирида Фазилатнинг ўзи.

Қаранг, ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган топишмоға-а? Ростдан ҳам кишини фирлашга, мулоҳазага ундайди. Шеъриятнинг мақсади ҳам шу эмасми аслида?

Ҳикматилла аканинг айтишича, кутубхона аъзолари орасида нуронийлар, фаоллар ҳам бор. Масалан, Абдурашид Хитоев, Ҳамидулла Эшонов каби отахонлар кутубхонанинг доимий аъзолари. Шунингдек, “Фазилат” кутубхонасига вазиру ҳокимлар, халқ шоирлари, санъаткорлар, шифокорлар — барча-барчанинг қадами етган.

Биз Фазилат билан хайрлашар эканмиз, бир воқеа ёдимизга тушди:

1998 йили, юқори синфга ўтган кезларимиз мактабимизга туман газетасидан бир шоир келди. Шеър ўқиди, адабиёт, журналистика ҳақида гапирди. Анвар Обиджон билан ҳамсуҳбат бўлганини айтди. Бу учрашув ҳаётимда туб бурилиш ясади. Шу, шу камина ҳам адабиётга, сўзга ошно тутиндим.

Бугун замон ўзгарди. Энди ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам СЎЗ ортидан машина миняпти, уй оляпти. Катта-катта ижодкорлар билан ҳамсуҳбат бўляпти. Устозлар қўлидан имзоси билан китоблар оляпти.

Шароит ва имконият деганлари шунча бўлар-да, ахир. Ўзгаришлар эпкини эса бошлаганидан дарак бу. Сизу биз қайдан биламиз — балки мана шудир Учинчи Ренессанснинг пойдевори...

## Халқ кутубхонасида “шундай китобхон болалар борки, манаман деган кутутбхоначини шошириб қўяди”

Мақола аввалида тилга олганимиз — “Бўстон” маҳалласига кираверишда жойлашган Халқ кутубхонаси ташкил этилишининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Бўкада янгиланишлар эпкини эса бошлаган дастлабки кунларда маҳалла фаоли Саодат Бегалиева ўз ҳовлисидан кутубхона учун жой ажратди. Бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган давлатимиз томонидан замонавий кутубхона қуриб берилди. Китоблар, 8 дона компьютер жамланмаси совға қилинди. Шу тариқа Бўкада маърифат ва зиё масканлари сони яна биттага кўпайди.

“Халқ кутубхонаси” номини олган мазкур кутубхона жавонларидан 4 мингдан ортиқ болалар адабиёти, турли луғатлар, ўқув-методик қўлланмалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари жой олган. Асосан “Бўстон”, “Кўкорол”, “Бахмал”, “Чўлобод”, “Жўраобод” сингари қишлоқ ва маҳаллалардан 400 га яқин ўқувчи мунтазам қатнайди бу ерга. Улар олиб кетган китобларни, табиийки, оила аъзолари ҳам мутолаа қилади. Саодат опа гап ичида “Ўқувчилар орасида шундай китобхонлар борки, манаман деган кутубхоначини ҳам ҳайратга солади”, деб қолди.

Гап 11-синф ўқувчиси Саидмуҳаммад Мавлонхўжаев ҳақида бораётган экан. Ёш китобхон биз борган куни ҳам кутубхонада Лев Толстойнинг “Тирилиш” асарини мутолаа қилиб ўтирарди. У Нехлюдов шахсияти, Катерина Маслова тақдири ҳақида салмоқли фикрлар айтиши мумкин эди. Бироқ биз уни мутолаадан чалғитишни истамадик.

— Саидмуҳаммаднинг Жалолиддин Румий ҳикматлари ҳақида шундай чиройли хулосалари борки, эшитиб, кутубхонамиз ўқувчилари орасида ҳақиқий китобхонлар улғаяётганидан фахрланаман. У кутубхона тинчроқ, деб асосан, шу ерда китоб ўқийди. Отаси уста-қурувчи, онаси — уй бекаси. Отаси кўп мутолаа қилар экан, кетаётганида отамга деб алоҳида китоб олиб кетади. “Отамнинг бу ерга келишга вақти йўқ, лекин мендан кўп китоб ўқийди” дейди Саидмуҳаммад.

Ҳа, аслида ҳам шундай — китоб ўқиш ўзини кўз-кўз этиш ёки вақт ўтказиш воситаси эмас — эҳтиёж!

Биз бу ерда Президентимиз бошлаган олижаноб беш ташаббуснинг Бўкадаги илк самаралари ҳақида қисқагина ҳикоя қилдик, холос. Агар ҳикоя сизни ҳам қизиқтириб қўйган бўлса, келинг Бўкага — ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Бўкадан пойтахт сари қайтар эканмиз, қуёш пешиндан қиялаб қолган эди. Яшилликка бурканган атрофдан кўз узиш қийин, ўт-ўланларнинг ёқимли ҳиди димоғингизни қитиқлаб, порлоқ истиқбол шабадасини олиб келаётгандай туюлади. Яқин йилларда Ўзбекистон жаҳонда китобсеварлар мамлакати деб эътироф этилишига ишончингиз ортади.

**Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# БЕШ ТАШАББУС ҚАНОТИДА

## ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЮКСАЛАЁТИР



**Мустақиллик шарофати билан фаолият бошлаган Хоразм вилоят қўғирчоқ театрининг қисқа фурсатда юртимизда ва хорижда танилгани, ўз мухлисларига эга бўлгани бежиз эмас. Бу мухлислар эндигина дунёни жажжи нигоҳларида таниб, ҳаёт аталмиш ижтимоий жараёнга тайёрланаётган болажонлар эканини айтсак, театрнинг тарбиявий аҳамияти салмоғи янада ортади.**

## ТАРБИЯДА ҚАДРИЯТЛАР, ОҲАНГ ВА ЛИБОСНИНГ ЎРНИ

### Тарбия — бешикдан бошланади

— Ҳар доим белгиланган режа асосида мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларига янги саҳна асарлари билан келамиз, — дейди театрнинг бадиий раҳбари Давлатназар Юсупов. — Болажонларнинг хурсандчилиги бизга ижодий куч-қувват бағишлайди. Эндиликда Президентимизнинг “Бешта муҳим ташаббус” дастури доирасида болажонлар ҳузурига янги лойиҳа билан боряпмиз. Ёшлар тарбиясида миллий қадриятлар муҳим ўрин тутади. Жамоамиз ўз репертуарида айнан ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқда. Миллий қадриятлар миллий оҳанглар ва либослар билан уйғун бўлса, таъсир кучи ҳам шунча юқори бўлади.

Театрнинг янги лойиҳаси тақдимоти Хива шаҳар мактабгача таълим бўлими билан тузилган шартнома асосида МТТларда бошланди. Театр режиссёрлари, рассомлар, бастакорлар, артистлар ва ҳатто саҳна ишчилари ҳам соф ўзбек театри санъати, соф ўзбек мусиқа маданияти тилида мулоқот уюштирди. Ҳозирги глобал интернет замонида дунё бўйлаб “оммавий маданият” аталмиш ғайриинсоний кўринишлар босқини кузатилмоқда. Бу гоҳ ошкора, гоҳ яширин тарзда киноларга ҳам кўчмоқда, телевизор экранларини эгалламоқда, турли мусиқаларда акс этмоқда. Онги энди шаклланаётган болажонларни ушбу гирдобга тушишдан асраш ҳар бир ижодкорнинг, ҳар бир санъаткорнинг вазифаси, бурчи. Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Бешта муҳим ташаббус”дан кўзланган мақсад ҳам айнан ёшларни миллий қадриятларга садоқат, буюк аждодларимизнинг ўлмас меросига ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

Бу жараённи энг кенжа авлод — мактабгача таълим ёшида бўлган болажонлардан бошлаш катта самара бериши, шубҳасиз. Негаки, мурғак кўнгил дунёни, аввало, нигоҳлари билан қабул қилади, онгу шуурига ҳам шу кўрганлари бир умр муҳрланиб қолади.

### Қамровлар кенг олинади

— Бешта муҳим ташаббус дастури асосида амалиётга жорий этилаётган лойиҳамиз эндиликда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида узлуксиз давом эттирилади, — дейди театр директори Давронбек Отабоев. — Шу боис, масъул ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик борасида шартномалар тузилган.

Ўтган ой қўғирчоқ театр жамоаси ижодий сафар билан Янгиариқ тумани умумий ўрта таълим мактабларида бўлди. Шунингдек, бир қатор ММТларда саҳна асарлари намойиш қилинди ва маҳорат дарслари ўтилди. Урганч шаҳридаги умумтаълим мактабларига ташриф давомида ҳам ушбу лойиҳа тақдимотлари ўтказилди.

Ижодий ташрифлар давомида “Анжуман”, “Шер ва дуррож” ҳамда “Хоразм лазгиси” саҳна асарлари намойиш қилинди. Дастлабки икки асар Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони асосида саҳналаштирилган. Қадим қадриятларга йўғрилган ривоятлар асосида яратилган спектакллар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Авваламбор, қаҳрамонлар тилидан янграйдиган шеър ва диалоглар орқали болалар буюк ўзбек мутафаккирининг ўлмас асари билан таништирилса, инсонпарварлик, гуманизм, меҳр-оқибат каби тушунчалар воқеалар давомида содда кўринишларда акс эттирилиб, ёш томошабинлар шуурига сингдирилади.

Ёки мактабларда намойиш қилинаётган “Мактаб қўнғироғи” спектаклида ҳам оддий қўнғироқ тимсолида ўқувчиларга пухта билим олишдан ташқари тенгқурлари билан ўзаро ҳурматда бўлиш, ота-оналари маслаҳатига сўзсиз қулоқ солиш, интернетдаги зарарли иллатлардан тийилиши каби ғоялар тушунтирилади.

Театр репертуаридаги “Қувноқ томоша” ва “Афанди ҳангомалари” спектакллари намойишидан мақсад нафақат болалар кайфиятини кўтариш, ана шу қувноқ томошалар орқали уларга миллий қадриятларни ўргатишдир.





### Фақат томоша кўрсатиш билан иш битмайди

Театр жамоаси жойларда спектакль намойиш қилиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Амалиётга айлантирилган дастурга мувофиқ, театр бош рассоми Шодлик Ёқубов қўғирчоқ театрида рассомнинг ўрни борасида тушунчалар бериб, саҳна асарларига ишланган эскизлар, чизгилар ҳақида болажонларга маҳорат дарслари ўтмоқда. Ушбу дарс жараёнида кўчма қўғирчоқ театри бурчагидан кенг фойдаланиб, болажонлар саҳна декорациялари, жиҳозлари ва бошқа атрибутларни ўз қўллари билан ушлаб кўрадилар. Шунингдек, театр усталари, бутофорлар, декараторлар қўғирчоқларнинг тайёрланиши, безатилиши, ҳаракатланиш сирлари билан ёш томошабинларни таништиради. Айрим саҳна асарлари бевосита болажонлар иштирокида тайёрланиши эса уларнинг театр санъатига бўлган қизиқишини янада оширади.

Бош режиссёр Гулбаҳор Юсупова, саҳналаштирувчи режиссёр Роҳила Матниёзова, Хоразм рақс санъати устаси Юсуфбой Оллаберганов Хива болалар шаҳарчасида саҳна маданияти, саҳна ҳаракатлари, ижро маҳорати, миллий рақс сирлари тўғрисида мунтазам маҳорат дарслари ўтишяпти. Лойиҳа асосида ташкил этилаётган ҳар бир машғулот болажонларда миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантирмоқда.

Театр жамоаси, шунингдек, ўтган ой Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида бир ҳафта гастроль сафарида бўлиб, воҳа ёшларига томошалар намойиш этди. Сафар Вазирлар Маҳкамасининг Маданият вазирлиги тизимидаги маданият муассасаларининг 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб гастроль сафарларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги мажлиси баёни ижроси доирасида ташкил этилди.

### Қўғирчоқлар қитъа ошади

Хоразм вилоят қўғирчоқ театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган ранг-баранг ва айнан миллий руҳдаги спектаклларни чет эллардаги жажжи томошабинлар ҳам севиб томоша қилаётганига анча бўлди. Театр жамоаси бир қатор хорижий давлатларда ижодий сафарларда бўлиб, халқаро фестивалларда муваффақиятли иштирок этган, эътиборга тушган.

Масалан, Германияга ижодий сафар давомида саҳна усталари жажжи немис болаларининг меҳрини қозонган. Ёки Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида бўлиб ўтган 68-Халқаро театрлар фестивалида, шунингдек, Боку шаҳрида ташкил этилган I-Халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалида муваффақиятли қатнашиб, олқишларга сазовор бўлгани ҳам театр жамоаси мунтазам изланишда эканидан далолатдир.



Театр жамоаси шу йил 23—26 март кунлари Россиянинг Кострома шаҳрида бўлиб ўтган қўғирчоқ театрларининг халқаро онлайн фестивалида “Жаҳонгашта афсоналар” спектакли билан қатнашди. Хоразмнинг қадим афсоналари асос қилиб олинган ва Эвелина Арипова томонидан эзгулик, юртга садоқат, меҳр-оқибат ғоялари тараннум этилган спектакль ҳакамлар ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлди. “Кенг бир қўғирчоқ — бир қўғирчоқбоз” тамойили асосида ўтган ва жами 16 та театр иштирок этган халқаро фестивалда хоразмликлар тўртинчи ўринни эгаллаб, Россияга гастроль сафарига таклиф қилинди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

## НУРЛИ МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ



**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси маданият вазири**

**Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус аввалида ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш масаласи тургани Маданият вазирлиги зиммасига улкан масъулият юклайди. Ташаббус доирасида вазирлигимиз томонидан кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.**

Жумладан, опера ижрочилиги йўналишида истеъдодли ёшлар учун катта синов мактаби бўлаётган “Ёшлик баҳори”, бошловчилик ва сухандонлик санъатини кенг тарғиб этишга қаратилган “Ёш сухандонлар”, созанда ёшлар учун “Созлар навоси”, “Мусиқага чорлайди ёшлар” каби кўрик-танлов ва фестиваллар мунтазам ўтказилаётгани ёшларимизни доимий интилишга, изланишга ундамоқда.

Мафкуравий курашлар тобора кучайиб бораётган бугунги кунда биз фарзандларимизда оммавий маданиятга тақлидни эмас, ватанпарварликни, миллий урф-одат ва анъаналарга садоқатни, давлат тилига муҳаббатни кўришни истаймиз. Шу маънода, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган “Ватан мадҳи юксак қадрият” шиори остидаги қатор тадбирлар бу истагимиз рўёбида муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларга эстрада хонандалари, театр ва кино актёрлари, шоир-ёзувчилар жалб этилаётгани замирида эса ёшларни санъатнинг катта авлод вакиллари ҳамда чинакам профессионал ижрочиларига эргаштиришдек мақсад мужассам.

Ижодий ҳамкорликда яратилган энг яхши асарлар муаллифларини моддий рағбатлантириш мақсадида 2018 йилда эълон қилинган “Зувола” асл қўшиқлар миллий танлови ёшларга яна бир имконият бўлди. Танловга 2 500 нафар ёш ижрочи ўз қўшиқларини тақдим этди. Улар орасидан саралаб олинган 20 нафар ёшга қимматбаҳо совғалардан ташқари, телевидение ва радиода ижод намуналарини тақдим этиши учун бир йиллик бепул лицензия ҳам берилди. Бундай рағбат албатта, танловларнинг умрбоқийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қайд этиш керакки, бутун дунё учун оғир келган 2020 йилда ҳам халқимиз бир кун бўлса-да, санъат ва маданиятсиз яшамади, кўплаб онлайн танловлар ўтказилиб, қанча-қанча истеъдодлар кашф қилинди. Улар онлайн рағбатлантирилишига қарамай, танловларга қатнашиш иштиёқи сусаймади.

Биргина “Уйдаги юлдузлар” онлайн танловининг ўзи ғоят санъатсевар халқ эканимизни яққол намоён этди. “Энг яхши чолғу ижрочиси”, “Энг яхши хонанда” (мақом, бахши, эстрада ва опера йўналишлари), “Энг яхши рақс ижрочиси”, “Энг яхши рассом”, “Энг яхши ҳунарманд” каби танловларни юртдошларимиз катта қизиқиш билан кузатди.

Маданият, санъат ва адабиёт соҳасининг етук мутахассислари билан “5 ташаббус уйда” мавзусидаги онлайн учрашувлар эса одамларни тушкунликка туширмаслик, ёруғ кунларга умид бағишлашда муҳим омил бўлди.

Бундан ташқари, вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан “Гўзал ҳаёт” “Масофадан ўқиймиз”, “Уйда қолиб ўқиймиз”, “Шифокорларга раҳмат”, “Ўзингни асра”, “Уйда қолинг” каби ижтимоий челленжлар эълон қилинди. Уларда 2 миллиондан зиёд юртдошимиз иштирок этгани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.



Шундай мураккаб иқтисодий шароитда ҳам 2020 йил 26 майда Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур қарорда аҳоли, жумладан, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт- шароит яратиш ва кенгайтириш вазифаси белгиланган.

Шунга кўра, 17 нафар таниқли театр актёри томонидан ўзбек ва жаҳон мумтоз адабиётининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш бўйича “Китобга муҳаббат”,



”Мен ўқиган асар” каби хэштеглар, миллий эстрадамизнинг 12 нафар вакили ижросида эса “Мен севган қаҳрамон” шиори остида кичик флешмоблар “instagram”, “facebook”, “telegramm” ижтимоий тармоқларига жойлаштирилди.

Юртимизда мавжуд 826 та маданият марказида ёшларнинг қизиқишини оширишга қаратилган тўрт ярим мингдан зиёд тўгарак фаолияти йўлга қўйилди. Уларга жалб қилинган 53 мингга яқин ёшларга керакли мусиқа анжомлари етказиб берилган бўлса, умумтаълим мактабларидаги тасвирий санъат ва мусиқа тўгаракларига 10 мингдан ортиқ мусиқий жиҳозлар билан таъминланди.

Ҳудудларда фаолият олиб бораётган 495 та халқ ҳаваскорлик жамоаларининг фольклор, рақс, ашула, мақом, халқ чолғулари, вокал, эстрада ва қўғирчоқбозлик санъати йўналишларидаги онлайн чиқишлари, шунингдек, бахши, оқин ва жировлар ижросидаги терма ва достонларнинг аудио ва видео ёзувлари ҳудудий маданият бошқармалари расмий-веб сайти ва махсус телеграмм каналларига жойлаштириб бориляпти. Бу ёшларни руҳлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Ёшларнинг санъатга қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш борасида вазирлигимиз томонидан йил бошидан буён 7 та лойиҳа амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларда 985 минг нафарга яқин ўқувчи-ёшлар қамраб олиниб, 9 мингдан зиёд ёшлар иштироки таъминланди. Жумладан, “Театршуносман”, “Мен музей ходимиман”, “Келажак” фольклор фестиваллари таниқли маданият ва санъат ходимлари иштирокида ташкил этилди. Барча олий таълим муассасалари талабаларининг театр, музей ва кинотеатрларга жамоавий ташрифи йўлга қўйилди. Бунинг самарасида йил бошидан буён 115 мингга яқин талаба театрларга, қарийб 50 минг нафар талаба музейларга ташриф буюрди.

2020 йил 25 декабрда Президентимиз томонидан Ўзбекистон ёшлари форумида берилган топшириқлар ижроси юзасидан ҳар бир туман ва шаҳардан 5 нафаргача иқтидорли ёш (жами 1006 нафар) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан маданият ва санъат олийгоҳларига ўқишга қабул қилинди.

“Ботир Зокиров санъати давомчилари” кўрик-танловининг туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичлари ташкил этилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди. Айни пайтда мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги муносабати билан мамлакат миқёсида Маданият ойлиги ташкил этилди. “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остидаги қўшиқлар танлови, “Янги Ўзбекистонда — янгича дунёқараш” шиори остида видеоролик ва қисқа метражли фильмлар, ёш ижодкорлар ва ҳаваскорлар ўртасида “Ижтимоий видеороликлар” танловлари ҳали санъатимизнинг минглаб умидли вакилларини кашф этиши аниқ.

Умуман, беш муҳим ташаббус — эртамиз эгалари олдидаги қатор имкониятлар танлови. Беш муҳим ташаббус — нурли манзиллар сари элтувчи порлоқ йўл. У сизу бизни жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга ундайдиган, умримизнинг ҳар бир саҳифасини эзгу ишлар билан безашга имкон берадиган муҳим лойиҳа. Юрт келажаги йўлидаги бундай олижаноб ва хайрли ишларда камарбаста бўлиш эса, энг катта бахтдир.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# ЮРАКЛАРГА ҚУВВАТ БЕРГАН УЧРАШУВ

**Рисолат МАДИЕВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази 1-болалар бўлимига қадам қўяр экансиз, халқ тилида "оққон" деб аталувчи оғир хасталик билан курашаётган болаларни, уларнинг ота-оналари кўзидаги мунгни кўриб, ҳасратини аритувчи, юпанч берувчи сўз ахтарасиз. Дардига малҳам, кўнглига умид ва ишонч бергингиз келади...**

Рамазон ҳайити кунлари Президентимиз ушбу марказга бориб, бемор болалар ҳолидан хабар олди. Уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, юрагига қувват, келажакка ишонч берувчи сўзларни айтди. Муборак кунларда давлатимиз раҳбарининг беморлар билан шахсан учрашиб, дилдан суҳбатлашгани дард билан олишаётган болалар, уларнинг ота-оналари кўнглига хурсандлик бағишлади, катта таскин бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир беморни шахсан ўзи назоратга олиши ҳақидаги сўзлари ота-оналарнинг фарзанди тез орада соғайиб кетишига ишончини янада оширди, кўнглини тоғдек кўтарди.



— Қизим Ҳамидабону 4 ёшда, оққон касалига йўлиққан. Болам тез-тез чарчарди. Шундан бошқа асоратларини сезмадик. Бир куни тўсатдан оёғи кўкариб, қовоғи шишгандан сўнг, дўхтирлар лейкоз ташхисини қўйишди. — дейди учқўрғонлик Жамила Ҳусанова. — Ҳайит куни эди. Президентимиз палата эшигидан кириб келганида кўзларимга ишонмай, ўзимни йўқотиб бирпас қараб турдим. Очиғи, ҳеч кутмаган эдик. Шундай қутлуғ кундаги улуғ йўқловдан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Қизим дардмандлиги сабаб дунё кўзимга қоронғи бўлиб, юпанч тополмай тургандим. У кишининг биз билан самимий суҳбатлари ўксик кўнглимга далда бўлди. Айниқса, болаларимизга қаратиб, **"Сизлар ҳаммангиз — менинг фарзандларимсиз. Ҳар куни кулиб туриб, ота-онарингга мадад бўлишларингиз керак. Албатта тузалиб кетаман, деган интилишингиз бўлиши керак. Биз бунинг учун ҳамма шароитни яратишга ҳаракат қиламиз"**, деганларида йиғидан ўзимни тиёлмадим. Бу ерда даволаниш учун катта маблағ керак. Муттасил муолажалардан сўнг моддий жиҳатдан қийналиб турган пайтимизда давлатимиз раҳбарининг бу сўзларидан бошимиз осмонга етди. Биз ёлғиз эмасмиз, болаларимиз давлат эътиборида, деган ўй неча кунлар тарк этмаган безовталигимизни аритди. Болаларимизга яшашга умид бергани, бизни суягани учун Президентимиздан ниҳоятда миннатдормиз.

Инсон учун фарзандининг соғлом, эл-юртга керакли инсон бўлиб улғайишини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Аммо ҳаёт синовлардан холи эмас. Оғир дард қаршисида сабрдан ўзга чора топа олмаган инсон ҳолидан хабар олиш, унга руҳан далда бериш, қўллаб-қувватлаш юксак фазилат.

— Ўғлим Исмоил 13 ёшда, ўткир лейкоз касаллигига чалинган. Ҳозир шу ерда даволаняпти, кимётерапия оляпти. Фарзандингиз касал бўлса, кун эмас, соат, дақиқалар ўтиши ҳам қийин бўларкан. Эртага нима бўлади? Болам шифо топадими? Қандай чораси бор? Шундай ўйлар билан сиқилиб турган пайтимда эшик очилиб, кутилмаганда Президентимизнинг кириб келиши барча-барча хаёлларимни остин-устун қилиб юборди, — дейди наманганлик Ирода Юнусова. — Давлатимиз раҳбари биз билан чин дилдан гаплашди. Шароитлар, даволаниш жараёни ҳақида сўради. Ўғлим ўқишда тенгдошларидан ортда қолаётгани ҳақида айтди. Президентимиз ўғлимга тенгдошларига албатта етиб олишини, бунинг учун барча шарт-шароит яратилишини таъкидлади.

Беморлар билан мулоқотда давлатимиз раҳбари: **"Кўнгилларингиз бўлинмасин. Бир ўзларингиз эмассизлар. Ҳаммамиз ҳамдардмиз. Бу соҳада имкониятларни яхшилаш учун янги марказ қурамиз. У ерда оналар учун ҳам, болаларнинг ўқиши учун ҳам шароит бўлади, даволаш ҳам ўзгаради. Энг катта ниятимиз — тезроқ даво топиб, уйга, оилангиз бағрига қайтишингиз"**, деди. Бу умидбахш сўзлар эртага юрт корига ярайман, деган орзули хаста кўнгилларга далда бўлди, шифокорларга қувват берди.

— Президентимизнинг ташрифи ҳаммамиз учун кутилмаган ҳолат бўлди, — дейди Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази 1-болалар бўлими бошлиғи Наргиза Бобохонова. — Бу ташрифдан сўнг марказимизда катта ўзгаришлар кутиляпти. Аввало, янги бинога кўчиб ўтадиган бўлдик. У ерда бемор болалар, уларнинг ота-оналари, тиббиёт ходимлари учун барча шароит яратилади. Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида "Оналар қаерда ётади?" деган саволни берди. Яширишнинг ҳожат йўқ, оналар кўпинча боласининг ёнида, битта кароватда сиқилиб ётарди. Янги бинода эса улар учун алоҳида жой бўлади.

Шунингдек, лаборатория-диагностика соҳаси кучайтирилади. Чунки лейкозда биринчи ўринда лаборатория текшируви туради. У тўлиқ амалга оширилиши зарур. Агар ташхис юз фоиз тўғри қўйилса, болаларни даволашда йўналиш аввал-бошдан тўғри олинса, беморларнинг соғайиш имконияти ортади. Ҳозирги кунда касал болаларнинг саксон фоизи бутунлай тузалиб кетяпти. Биз бу кўрсаткични 90-95 фоизга етказишимиз зарур.

Шу ўринда бу ерда ишлаётган тиббий ходимлар ҳаётида кутилаётган ўзгаришларни ҳам айтишни истардим. Уларнинг маоши оширилади. Гематологияда ҳам телемедицина йўлга қўйилади. Ривожланган давлатларнинг етук олим ва шифокорлари билан алоқа ўрнатиш, уларни юртимиз шифохоналарига жалб этиш, маҳаллий шифокорларни тажриба алмашиш, малака ошириш учун юбориш тизими йўлга қўйилади.

Президентимиз ташрифи давомида болалар билан бирга суратга тушди. Бу уларга катта руҳий мадад бўлди, тузалишга иштиёқни оширди.

# Юксак эътибордан қувониб, соғайгандек бўлдим

**Башорат ОТАЖОНОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Бошланиши 1-бетда

Президент билан учрашганларнинг барчасидан "Президентимиз самимий инсон эканлиги ҳақида жуда кўп эшитгандик. Чиндан ҳам шундай эканлар" ёки "Давлатимиз раҳбари билан учрашув ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборди", деган эътирофларни эшитяпмиз.

Шавкат Мирзиёев Рамазон ҳайити арафасида мазкур марказга ташриф буюриб, болалар онкологияси бўлимида муолажа олаётган болажонлар ҳолидан хабар олди. Улар билан суҳбатлашиб, ота-оналарига далда бўлди. Уларни қийнаётган муаммоларга қулоқ тутди.

— Онкологик касалликлар катта маблағ ва юқори тиббий имкониятлар талаб қилади, — дейди болалар онкологияси бўлими мудири Тожиддин Мустафоев. — Касалликнинг йилдан-йилга "ёшариб" бораётгани янада хавотирли. Президентимизнинг муборак кунларда айнан онкологияга ихтисослаштирилган марказга ташриф буюргани ҳам бежиз эмас. Мен ҳам шифокор, ҳам ота сифатида айнан шариф айёмда болаларни йўқлаган давлатимиз раҳбаридан жуда миннатдор бўлдим. Болаларнинг қувончини, ота-оналар кўзидаги миннатдорликни сўз билан таърифлаб беролмайман. Яхшиси, ўзлари билан суҳбатлаша қолинг.

## "ҲАЛИ ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ ЖАҲОН УЗРА ҲИЛПИРАТИБ ЮРАМАН"

9-палатанинг очиқ эшигидан ичкариладик. Салом берган қизни табассумидан танидик. Телевизорда кўрганимиз — Сочи шаҳрида мамлакатимиз байроғини ҳилпиратган наманганлик қиз — Нодирабегим Қосимова.

— Рамазон ҳайитини шифохонада ўтказишни аслида ким ҳам истайди?! Начора тақдир экан. Бироқ айнан мана шу кун болалар қалбига ҳақиқий байрам бўлиб кирди, — дейди Нодирабегимнинг онаси Комила Отахонова. — Марказга Президентимизнинг ўзлари келиб, ота-оналар, болалар билан суҳбатлашди. Мен қизимнинг яқинда операциядан чиққанини, бу дардга тўсатдан йўлиққанини, аввал Сочида танловда қатнашганини айтдим. Шу орада суратга тушдик. Мен қизимнинг давлатимиз раҳбари билан учраша олмаслигидан, тўғриси, бироз ўкиндим. Чунки бошқа болаларнинг ўша пайтдаги қувончини бир кўрсангиз эди... Бирма-бир хоналарга кириб чиқар экан, қизим ётган палатага ҳам кириб, у билан саломлашиб, мени чақиртирдилар. Қизим барибир бола-да, суратга тушиш учун телефон излашга тушиб қолди. У киши биз билан суратга тушиб, чиқартириб олиб келиб беришларини айтди. Нодирабегимнинг орзуларини сўради. Мен Президентимизнинг аввал ҳам оддий ва самимий инсон экани ҳақида эшитган эдим, юзма-юз кўришиб суҳбатлашгач, бир бемор қизнинг кўнглини кўтариш учун вақт ажратганларига гувоҳ бўлгач, бунга яна бир бор амин бўлдим.

Нодирабегим ота-онасининг тилаб олган фарзанди. Синглиси ҳам шундай. Уларнинг орасидаги фарқ 10 ёш. Онаизор — Комила опа 3 ёшли гўдагини бобо-бувисига қолдириб, ўзи катта қизининг ортидан юрибди. Она-боланинг кайфияти учрашувдан сўнг аъло. "Мен албатта тузаламан, деб Президентимга сўз бердим. Ваъдамнинг устидан чиқишим керак. Ҳали Ўзбекистон байроғини жаҳон узра ҳилпиратиб юраман", дейди Нодирабегим.

## "МЕН ИШОНЧНИ АЛБАТТА, ОҚЛАЙМАН"

*Орзу ва ниятлар, интилишлар инсон умрига мазмун киритади.*

17 ёшли Сабрина Инсофалиева Чуст туманининг Олмос қишлоғидан. Бир йил аввал тўсатдан унинг ўнг оёғида оғриқ бошланди. Шифокорлар ўнг сон орқа юзаси нейроген саркомаси ташхисини қўйишди. Уч марта жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Тушкунликка тушиб қолган кунларида Сабринанинг ҳаётида Президент билан учрашув унутилмас воқеага айланди. Унинг орзуси ўзи таъкидлаганидек, "ГАИ" ходими бўлиш эди.

— Биз ўша куни унутилмас "ҳайитлик" олдик. Совға сифатида бадиий китоблар, планшет ва ширинликлар улашилди. Мени энг қувонтиргани, Президентимиз менга Германияданми, Американдами худди ўз оёғимдек таянч бўладиган протез келтириб беришларини, буни шахсан ўзлари назорат қилишларини айтдилар.

Ички ишлар вазирлиги масъуллари йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимининг махсус либоси, ИИВ ЙҲХББ фахрий аъзолик гувоҳномаси ҳамда эсдалик совғалари билан ташриф буюриб, уларни Сабринага топширди.

"Мен касал эканимни тамоман унутдим. Қанийди, имкон бўлса-ю, шу заҳоти ишончни оқлаш учун ишга киришсам, деб ич-ичимдан ният қилдим. Тузалишни, билдирилган ишончни оқлашни қатъий мақсад қилдим. Биласизми, Президентимиз билан тушган сурат ҳам менга куч беряпти", дейди Сабрина кўзлари қувончдан яшнаб.



## БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ САИДЖОН БИЛАН ШАХМАТ ЎЙНАДИ

Шавкат Мирзиёев билан суҳбатларда болалар ўз орзулари қаторида қизиқишларини ҳам санаб беришганди. Уларнинг аксари спортга, хусусан, шахматга қизиқишини билдирган.



Президентимиз топшириғига мувофиқ, болаларга шахмат доскалари совға қилинди, соҳа мутахассислари болалар билан шахмат ўйнашди, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Бемор болалар ва уларнинг ота-оналарига бу катта қувонч бағишлади. Айниқса, Фарғона шаҳридаги 28-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Саиджон Салимжоновнинг қувончи бир олам. Боиси, мактабдаги дарслар билан шахмат машғулотларини биргаликда олиб бораётган Саиджоннинг саломатлигида муаммо пайдо бўлгач, машғулотлар ярим йўлда қолиб кетган эди. Унинг айтишича, бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири Азиз Абдуҳакимов болакай билан шахмат ўйнаган. Бу Саиджоннинг кайфиятини кўтарди.

— Ўғлим 5 ёшга тўлганда уни Фарғона шаҳрида шахмат тўгарагига олиб бордик. Мураббий Адҳамжон Эминов машғулотлари унга катта мактаб бўлди. Мусобақаларга қатнашди. Айни пайтда Саиджон Халқаро шахмат академиясининг вилоят филиали ўқувчиси ҳисобланади. Президентимиз ўғлимнинг шахматга қизиқишини эшитгач, бунга алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади. Унга профессионал доска совға қилишди. Бу ерда ҳам вақти мазмунли ўтиши учун мураббий тайинлашди. Ҳозир машғулотларни бошлади, — дейди Саиджоннинг онаси Муҳайё Зиёева.

Президент билан суҳбатлашишни истаган, бироқ ҳаяжонланиб гапира олмаган 8 ёшли қизалоқ Ойнурнинг онаси Дилфуза Султонова ҳам давлат раҳбарининг ташрифи унга катта далда бўлганини таъкидлади. Ойнур Дилфуза опанинг "супра қоқдиси". 3-4 ой аввал оёғидаги кучли оғриқдан шикоят қилган қизини ҳали у тиббиёт муассасасига, ҳали бунисига олиб бориб, охири шу марказда аниқ ташхис қўйилганини кўзида ёш билан ҳикоя қилди.

— Президентимиз бу кунлар бир синов эканлигини айтиб, **"Илоҳим, мана шу болаларнинг ҳам касаллиги эсдан чиқиб, халқимизга хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб етишсин. Улуғ айём кунларида Худодан шуни сўраймиз"**, — дедилар. Шу куни давлатимиз раҳбарининг эзгу ниятига қанча одам "омин" деди. Биз ота-оналар бундан жуда хурсанд бўлдик.

## СОҲАДА ТУБ БУРИЛИШЛАР ДАВРИ БОШЛАНДИ

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда онкология соҳасига юксак эътибор қаратилмоқда, — дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Олим Имомов. — Жумладан, 2017 йил 4 апрель санасида соҳа учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қарор қабул қилиндики, шу кунга қадар онкология бўйича ҳукумат даражасида бирор қарор йўқ эди. Президентимизнинг "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан онкология йўналиши тубдан ўзгарди.

Айни пайтда марказда 10 та даволаш корпуси мавжуд бўлиб, 370 ўринга мўлжалланган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, Тошкент ва Қўқон шаҳарларида марказнинг ҳудудий филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бирида паллиатив ёрдам бўлимлари ташкил этилган. Ҳудудий онкологик муассасалар 22 та замонавий нур терапияси ускуналари билан жиҳозланган. Тиббиёт маркази билан филиаллар ўртасида телемедицина амалиёти йўлга қўйилган. Сўнгги уч йилда 150 дан ортиқ мутахассис жаҳоннинг нуфузли тиббий клиникаларида давлат ҳисобидан ўз билим ва малакасини ошириб қайтди. Марказга Президентимиз ташрифидан сўнг янги бино қуриладиган бўлди.

Юртимиз кундан-кун буюк эврилишларга юз тутмоқда. Бу ўзгаришларни кўзимиз билан кўриб, суҳбатларда эшитиб гувоҳ бўлиб турибмиз. Марказдан чиқар эканмиз, беихтиёр ҳазрат Навоийнинг машҳур байти тилимизга кўчди:

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг*
*хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон*
*бўлса, обод айлагай.*

# БУНЁДКОРЛИКДАН ЯШНАЁТГАН МАҲАЛЛА

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Маҳалла — сеҳрли маскан. Бежиз уни кичик ватанга менгзамаймиз. Инсоннинг оиласи, юрти тинч, маҳалласи обод, рўзғори бут бўлса, ҳаётдан рози бўлади. Бугун ана шу орзулар одамларнинг кўз ўнгида реал воқеликка айланяпти. Маҳаллалардан бошланаётган ободлик, улкан бунёдкорлик ишлари шукроналикка чулғанган қалблардан хонадонларга кўчиб, юртдошларимизнинг бахтиёр чеҳраларида акс этмоқда.**

Учтепа туманидаги Тепақўрғон маҳалласи аҳлининг кайфияти шу кунларда ҳар қачонгидан-да аъло. Узоқ йиллар ташландиқ бўлиб ётган маҳалла ҳудуди Президентимиз топшириғи билан ажратилган маблағ хисобига қисқа вақтда обод қилинди. Маҳалладаги 30 та кўп қаватли уйлар, йўллар таъмирланди. Узоқ йиллар интиқ кутилган болалар ўйингоҳлари ташкил этилиб, спорт қурилмалари ўрнатилди. Жорий йил 14 май куни давлатимиз раҳбарининг Тепақўрғон маҳалласига бориши одамлар учун икки карра қувончли воқеа бўлди.

— Мана шу маҳаллада 30 йилдан буён истиқомат қиламан, — дейди Ҳакима Собирова. — 3-4 йил олдин ҳам бу ерлар, чакалакзор бўлиб ётарди, дам олиш учун шароит, имкониятлар бўлмаган. Чироқ йўқ, йўлларимиз ёмон аҳволда эди. Очиғи, кечқурунлари кўчада юришга қўрқардик. Шукрки, бу ерларга ҳам эътибор тубдан ўзгарди. Айниқса, шу йил амалга оширилган ўзгаришларни биз тасаввур ҳам қилолмасдик. Оддий болалар майдончасини йиллаб кутганмиз. Қаранг, бугун маҳалламиз жуда чиройли, обод масканга айланган. Болаларимиз кечки пайт мириқиб ўйнаяпти. Бу ерларни аввалги аҳволи билан солиштирсак, ер билан осмонча фарқ бор. Бизга ана шундай шароитлар яратиб берилаётгани учун Президентимиздан миннатдормиз.

Чиндан ҳам йиллар давомида қаровсиз ётган ҳудудда болаларнинг спорт билан шуғулланиши у ёқда турсин, бир жойга йиғилиб ўйнаши учун ҳам шароит бўлмаган.

Маҳаллада 30 та кўп қаватли уй бор, 6 минг 150 нафар аҳоли яшайди. Ҳудудда 2 та 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси, битта ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолият юритмоқда. Маҳалла аҳлининг айтишича, авваллари бу ерда бундай катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари бўлмаган.

Президентимиз ўтган йили Олий Мажлисга Мурожаатномасида барча чора-тадбирлар маҳаллалар кесимида амалга оширилиши зарурлигини қайд этар экан, ҳар бир ҳудудда ана шундай ўзгаришлар қилиб, одамларнинг мақбул шароитларда яшаши, ислоҳотларни ўз ҳаётида ҳис этиши муҳимлигини таъкидлаган эди. Тепақўрғон ҳам "Маҳаллабай" ишлаш тизими орқали обод бўлди. Аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиши учун шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

— Маҳалламизда "Темир дафтар"га киритилганлар ҳам йўқ эмас, — дейди маҳалла раиси Тошпўлат Икромов. — Хусусан, "Аёллар дафтари"га 51, "Ёшлар дафтари"-га 31 нафар фуқаро киритилган. Уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудда янги ташаббуслар билан чиқиляпти. Иш билан таъминлаш ёки ўқув марказларига йўналтиришда ҳар бирининг истаги инобатга олинади. Ўз ишини бошлаган, жумладан, банкдан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликни йўлга қўйган фуқаролар бошқа оилаларни ҳам иш билан таъминлаяпти. Маҳалламиздаги 40 та кичик бизнес субъектида ёшлар ва аёллар иш билан банд.

Май ойида яна бир ишлаб чиқариш корхонаси — "Euro Asia Print" босмахонаси ишга туширилиб, қўшимча иш ўринлари яратилди. Корхонага 60 дан зиёд, жумладан 27 нафар "Ёшлар дафтари"да турган фуқаро ишга қабул қилинди.

Бу ерда Германия ва Хитойдан келтирилган замонавий полиграфия ускуналари ёрдамида 100 хил турдаги матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Корхона директори Муножат Икромованинг айтишича, ишлаб чиқариш 90 фоиз маҳаллийлаштирилган бўлиб, маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш нияти ҳам йўқ эмас. Бу корхонани кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишга оид режаларни жадаллаштиришни талаб қилади. Босмахона тўлиқ қувватда ишлай бошлагач, яна 90 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Тадбиркор Сурайё Имомова илтимоси билан ўқув маркази учун МФЙ биносидан ажратилган хонада ҳам 4 нафар ўқитувчи ишлаб, ойлик маош олмоқда. Улар 50 га яқин болага рус, инглиз тиллари, математика, ментал арифметика бўйича дарс ўтади. Кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул ёки арзонлаштирилган нархларда ўқитилади.

"Тепақўрғон" МФЙ биносида бўш хона йўқ. Ўқув курсидан чиқиб, бироз юрсангиз, болаларнинг қувноқ овози қулоққа чалинади. Ичкарига мўралаган киши боғчага кириб қолдим, деган хаёлга боради. Аслида, бинонинг бир хонасида кам таъминланган ёки баъзи сабабларга кўра, боғчага чиқолмайдиган болалар учун 346-мактабгача таълим ташкилоти қошидаги болаларни бошланғич таълимга мажбурий тайёрлов гуруҳи ташкил этилган.

Бу ерда 31 нафар бола таълим-тарбия олмоқда. Қисқартирилган дарслар 5 кун давомида соат 9 дан 12 га қадар давом этади. Ота-оналар бу ерда фарзандларининг бошқа болалар қатори яхши таълим-тарбия олаётганидан мамнун. Маҳалла раиси Тошпўлат ака ушбу бепул тайёрлов гуруҳини ташкил этишга розилик билдиргани боиси ҳам шундан.

Маҳаллада "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизларнинг бепул таълим олиши учун ҳам шароит яратилган. Куни кеча Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда очилган хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган ўқув маркази ҳудудда амалга оширилаётган янги ташаббуснинг яна бир самараси. Унда кўнгиллилар ёшларни хорижий тилларга бепул ўқитади.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

# ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ УЧУН БЕМИННАТ ИМКОНИЯТЛАР МАСКАНИ



**Самарқанд вилояти Нуробод туманида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг "Абу Али ибн Сино плаза" санаторийси фаолият бошлади.**

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари Баҳодир Умрзоқов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, таниқли олимлар, шоир-ёзувчилар, санъаткорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Қудратилла Рафиқов янги иншоот билан барчани табриклаб, охирги йилларда хотин-қизлар ва иродаси синовларда тобланган кекса авлод вакилларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани ҳақида тўхталди. Янги иншоот халқимизнинг оғирини енгил қилиш, турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш йўлида мустақиллигимизнинг 30 йиллигига муносиб туҳфа эканини таъкидлади.

150 ўринга мўлжалланган санаторий замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Дам олувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида янги "ISUZU" ва "Damas" автоулови топширилди.



Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси қурилиш, ободонлаштириш ва муҳандислик иншоотлари учун 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шу тариқа санаторий Президентимизнинг кўрсатмалари, тавсиялари асосида жаҳондаги энг илғор шифо масканлари даражасида қад ростлади.

— Янги санаторий таянч-ҳаракат, қон айланиш ва асаб тизими касалликларига чалинган дам олувчиларни соғломлаштириш учун ихтисослаштирилган, — дейди санаторий шифокори Убайдулло Қурбонов. — Унинг асосий даволаш омили — 750 метр чуқурликдан чиқувчи, таркиби "Цхалтубо" (Грузия) санаторийси сувига ўхшаш термал, радонли, кучсиз натрийли маъданли сув. Бу сув таркибида радоннинг мавжудлиги иммун тизимини мустаҳкамлаш орқали турли касалликларнинг олдини олишда самарали ҳисобланади. Бундан ташқари, маъданли сувдан ванна, милкни чайиш, ичак ювиш учун фойдаланилади, парафин-озокерит, физиотерапия, балчиқ, игна билан рефлексотерапия, даволовчи жисмоний тарбия, массаж, душлар, диета билан даволаш усуллари ҳам қўлланилади.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, бундан роппа-роса ўттиз йил илгари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан Нурободда Абу Али ибн Сино номи билан аталувчи сиҳатгоҳга асос солинган эди. Шу даврдан буён инсон дардини аритишга йўналтирилган мўъжизакор сув минглаб юртдошларимиз дардига шифо бўлиб келмоқда. Саксондан ортиқ кишини қабул қилишга мўлжалланган аввалги сиҳатгоҳ имкониятларини янада ошириш мақсадида янги санаторийга пойдевор қўйилди. Ана шу бунёдкорлик баҳонасида қарийб 40 йилга яқин вақт мобайнида қаровсиз ётган "Нуробод — Нурбулоқ — Иштихон" йўналишидаги 31 километрлик йўл ҳам мукаммал таъмирдан чиқарилди.

— Кўп йиллар турли вазифаларда меҳнат қилдим, — дейди Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳридан келган отахон Абдулла Керуенбоев. — Шу давр мобайнида бирон марта дам олишга вақт ажратмабман. Қилган меҳнатларим роҳатини кексайганда кўряпман. Янги санаторийдаги шароит, даволаш муолажалари бизга маъқул бўлди.

Янги санаторийнинг илк даволанувчилари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларидан келган меҳнат фахрийлари бўлди. Айни пайтда бу ерда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳомийлигида эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшган 100 га яқин отахон ва онахон бепул соғломлаштирилмоқда.

**Гулсум ШОДИЕВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

18 МАЙ — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

# ТАРИХИМИЗ САҚЛАНАДИГАН ХАЗИНА

**Асолат АҲМАДҚУЛОВА,**
**журналист**

**Юртимиз тарихидан сўйловчи маскан — Зомин ўлкашунослик музейидаги мавжуд экспонатларни кузатар экансиз, юртимиз тарихини, аждодларимиз турмуш тарзини кўз олдингизга келтирасиз. Амин бўласизки, юртимизнинг ўз тарихи бор, ўзига хос маданияти, маънавияти, ўзига хос анъаналари, яшаш тарзи...**



Зомин қадимда Самарқанд, Тошкент ва Фарғона каби йирик шаҳарларни бир-бири билан боғловчи савдо йўлида жойлашган, бу унинг обод ва фаровон манзил сифатида юксалишига имкон туғдирган. Туман ҳудудидан топилиб, ҳозирги вақтда Зомин тарихий ўлкашунослик музейида сақланаётган турли-туман экспонатлар ҳам шуни кўрсатиб турибди. Маданият маскани дастлаб Жиззах вилояти ўлкашунослик музейининг тарих бўлими сифатида ташкил этилган, 1996 йил 18 майда, яъни Халқаро музейлар кунида алоҳида даргоҳ сифатида ўз эшикларини очди. Музей биноси Маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган, бинонинг ўзи ҳам тарихий аҳамиятга эга.

Дастлаб 500 та экспонат билан иш бошлаган музейда ҳозир 5 000 дан ортиқ буюм сақланмоқда. Амалий санъат, археология, кандакорлик ва этнография бўлимлари бир-бирини мазмунан тўлдиради. Қадимий китоблар, кулоллик ва дурадгорлик маҳсулотлари, кўҳна Зомин кўприги ва Зомин қалъаси макетлари, куви, ўғир, омоч, дазмол, фонус, эгар, чарх ва шунга ўхшаш уй-рўзғор буюмлари томошабинни қизиқтириб қўяди. Археологик топилмалар сизни турли даврларга етаклайди.

Музей бир неча бўлимдан иборат: археология, нумизматика, этнография ва халқ амалий санъати, тасвирий санъат, табиат... Уларнинг ҳар бирида ўлка тарихидан сўзловчи экспонатлар жой олган. Зомин воҳасининг ажойиб табиати, маданияти, ўзига хос урф-одатлари, кўп асрлик ўтмиши моддий ва ёзма манбаларда қайд этилган.



Зомин воҳаси қадимий ва буюк давлатлардан бири Уструшона таркибидаги энг катта масканлардан бири бўлиб, ушбу давлат IV-V асрларда пайдо бўлган. Уструшонада давлат тили сўғд тили бўлиб, аҳоли зардуштийлик динига сиғинган. Зомин қадимда Сарсанда, Сусанда ва Сабза номлари билан аталган.

Араб жуғрофий олимлари Ҳавқал ва Муқаддасийнинг X асрдаги маълумотларига кўра, Зомин араблар Туронни истило қилмасдан илгари ҳам бўлган ва ўз аҳамияти жиҳатидан Уструшонада энг йирик шаҳарлардан бири ҳисобланган. Аҳолиси қадимдан савдо-сотиқ, ҳунармандлик, кандакорлик, каштачилик, зардўзлик, тўқувчилик билан шуғулланган.

Экспозиция залидан жой олган экспонатларнинг асосий қисми Самарқанд археология институти археологи Алексей Грицин томонидан қазилма ишлари натижасида топилган. Булар V асрдан XII асргача бўлган даврларга оид сопол буюмлар — кўзалар, хумча, чорвадорлар сув идишлари, пиёла, мурғоби, сопол товоқ, шамдон кабилардир. Бу буюмларнинг ҳар бири уй-рўзғорда ўз ўрнига эга бўлган ва уларни аҳолининг асосан қуйи табақа вакиллари ишлатган. Қадимда сополдан ясалган сув қувурларини ер остига кўмиб, сувни бир жойдан иккинчи жойга тоза ва соф ҳолда ўтказиш учун фойдаланилган.

Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асарида бу замин ҳақида, унинг кентлари, мулки ва табиати хусусида бир қатор маълумотлар келтириб ўтган. Абу Райҳон Беруний "Қонуни Маъсудий" асарида Зоминни бешинчи иқлим шаҳарлари қаторида кўрсатган.

Экспозиция залидан Аржа қишлоғи ҳудудида жойлашган Тўрткўлтепа шаҳристони тасвири туширилган стендлар жой олган.

Нумизматика бўлимида воҳа ҳудудидан топилган тангалар қўйилган. Экспонатларнинг асосий қисми сомонийлар, қорахонийлар ҳамда темурийлар даврига оид тангалардир. Ушбу давр тангалари санъаткорона дид билан ишланган суратлари, ёзувларнинг моҳирона жойлаштирилгани билан ажралиб туради. Тангаларни кўздан кечириб, Уструшона усталарининг бадиий маҳоратига таҳсинлар ўқимай иложингиз йўқ. Улар юмалоқ шаклда, қайси даврда, ким томонидан зарб этилгани араб ҳарфлари билан ёзилган.



Этнография бўлимида қадимги аёллар кийимлари, зеб-зийнатлари, уй-рўзғор буюмлари жамланган. Ранг-баранг матога ишланган нақш намуналари Зомин аёлларига хос бўлган чуқур маданият ва маънавиятдан хабар беради.

Экспонатларга бой кандакорлик бўлими ҳам музейга ташриф буюрувчиларнинг эътиборига сазовор бўлиб келмоқда. Бу бўлимда мисдан ясалган буюмлар, XVII асрга оид офтоба ва самовар, мис лаган, XV-XVIII асрларга оид темир чойнак, пиёла, косалар бор. Мис ва бронзадан ясалган идишлар қадимда ўзига тўқ бойлар ва зодагон оилалар хонадонларида кўпроқ ишлатилган бўлиб, оддий халқ сополдан ясалган уй-рўзғор буюмларидан фойдаланган.

Деворларда мафтункор Зомин табиати, "Қизил китоб"га киритилган ноёб ўсимликлар, паррандалар, судралиб юрувчилар оиласига мансуб бўлган ҳайвонот олами акс этган суратлар осилган. Зомин воҳасида учрайдиган доривор гиёҳлар, гуллар, ўсимликлар дунёси томошабинларни табиатни севиш ва асраб-авайлашга чорлайди.

Музейдаги осори-атиқалар билан танишар экансиз, кўнгилни бир ҳис тоғлар каби юксалтиради: бу бизнинг тарихимиз, ўтмишимиз, кечмишимиз... Боболар, момолар, аждодларимиз тарихи... Биз қадим халқмиз, томирлари тошларни ёриб, келажакка бўй кўрсатган, асрлар силсиласи енголмаган, йиқолмаган даражада кучли ва қадим...

Ўзингизда шундай фараҳбахш туйғуни ҳис қилишни истайсизми? Унда юртингиз тарихидан сўйловчи масканларга, тарих музейларига боринг. Ёлғиз борманг, фарзандларингизни ҳам бирга олиб боринг. Бу уларда ҳам боболари ҳақида, қадим аждодлари ҳақида тасаввур шаклланишига хизмат қилади, уларда ҳам миллатпарварлик, ватанпарварлик туйғусини ўстиради.

ТИЛ — МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

# ТАФАККУРНИНГ ТЕРАН ТИМСОЛИ

**Ғофир ҲАМРОЕВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси**

**Ўзбек тили дунёда фойдаланувчилари кўп бўлган энг қадимий тиллар қаторида туради. Глобаллашув жараёнларининг тезлашиши нафақат инсонларнинг турмуш тарзи, маданияти, анъана ва қадриятларига, балки тилига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.**

Мамлакатимизнинг халқаро алоқалари ривожлангани сари ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бораётгани баробарида тилимиз ривожланган — гегемон тилларнинг таъсирига ҳам тушиб қолаётгани сир эмас.

Шу маънода ўзбек тилини ривожлантириш икки йўналишда олиб борилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Биринчи йўналиш — бу, ўзбек тилининг она тили ва давлат тили сифатида мамлакат ҳудудидаги нуфузини ошириш, иш юритишнинг тўлиқ давлат тилида бўлишини таъминлаш. Иккинчи йўналиш эса ўзбек тилини хорижий тил сифатида дунёга тарғиб қилиш масаласи.

Мазкур икки йўналишда ҳам миллий тилни ривожлантириш учун давлат томонидан кенг имкониятлар яратилган. Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрь куни имзолаган "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг мазмунида ва "2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2020-2022 йилларда амалга ошириш дастури"да бу борада муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш, соҳавий ва ўқув луғатларини чоп этиш масалалари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шу маънода ташкил этилганига бир йил бўлган мазкур жамғарманинг асосий вазифалари ўзбек тилини ривожлантириш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва бу борадаги лойиҳаларга грантлар ажратиш, китоблар, қўлланмалар, луғатлар ва бошқа китоб маҳсулотлари чиқаришга молиявий кўмак бериш, шу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларига ҳайрихоҳ бўлишдир. Шунингдек, ўзбек тилининг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида давлат тилидаги материалларни хорижда истиқомат қилувчи ватандошларга ва хорижий мамлакатлардаги ўзбек тилини ўргатиш марказларига етказишга кўмаклашиш ҳамда ўзбек тилини ривожлантиришга оид медиа маҳсулотлар, компьютер дастурлари, мобиль иловалар ва бошқа электрон материалларни тайёрлаш ишларини қўллаб-қувватлаш ҳам жамғарма олдидаги долзарб вазифалардан.

Айтиш мумкинки, мазкур вазифалар ижроси юзасидан ўтган вақт мобайнида жамғармада қатор амалий ишлар бажарилди. Жумладан, давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, энг муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишда ижодий ёндашувни ривожлантириш мақсадида **"Қадринг баланд бўлсин, она тилим"** халқаро танлови ташкил этилди. Танлов наср, назм, публицистика, ўзбек тилининг хориждаги тарғиботи ва ижтимоий роликлар каби йўналишларда ўтказилди.

Бундан ташқари жамғарма ўзбек тилининг она тили ва давлат тили сифатида ўқитилишини такомиллаштирувчи илмий-методик фаолиятни ривожлантириш мақсадида "Давлат тили бўйича энг яхши видеодарс" (халқ таълими тизимида), "Энг яхши методик тавсия" (олий таълим тизимида) каби танловларни ташкил этишда иштирок этди.

АҚШнинг Огайо давлат университетидаги ўзбек тили курсларига китоблар, қўлланмалар, луғатлар ва бошқа китоб маҳсулотлари етказиб бериш учун жамғарма томонидан тегишли маблағлар ажратилди.

Давлат тилини ривожлантириш департаменти топшириғига асосан, жамғарма томонидан Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти билан ҳамкорликда "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 5 жилдлик китоби, "Давлат тилида иш юритиш", "Халқаро термин-элементларнинг изоҳли-иллюстратив луғати", умумтаълим мактаблари учун "Сўз сандиқчаси" номли изоҳли луғат, "Адиблар хиёбони"да ҳайкаллари қад ростлаган адиблар фаолиятига доир "Сўз хиёбони" китоби, "Ҳарбий атамаларнинг янги изоҳли луғати", "Ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий терминлар луғати", "Ўзбек тили банк-молия терминларининг изоҳли луғати", "Ўзбек тили меъёрлари (пунктуация)" китоби, "Юридик терминларининг русча-ўзбекча луғати" каби бир қатор китоблар чоп этилди. Шунингдек, хорижликлар ва юртдошларимиз учун ўзбек тилини ўргатувчи онлайн платформа — "uzbek-tili.uz" дастури, ўзбек тили изоҳли луғатининг тўлдирилган, тузатилган босма нашри мазмуни асосида уяли телефонлар учун Андроид ва ИОС платформаларда ишлай оладиган "Изоҳли луғат" дастури, ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда "Vatandoshlar.uz" веб-сайтини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбек тили замон талабларига жавоб берадиган алоқа, мулоқот ва фаолият воситасига айланиши учун у электронлашиши, рақамли иқтисодиёт даврида барча фойдаланувчиларга қулай бўлиши лозим. Бу борада Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси "Ўзбек тилининг миллий корпусини лойиҳалаш ва дастурий мажмуа ишлаб чиқиш", "Ўзбек тилини хорижий тил сифатида ўқитишнинг методик таъминоти бўйича электрон платформа яратиш", "Янги авлод ўқув луғатлари ва уларнинг мобиль иловаларини яратиш" ҳамда "jadid.uz" электрон платформасини яратиш" каби лойиҳаларни эълон қилиб, уларни молиялаштирди. Жорий йилда яна бир қатор соҳавий луғатларни нашр этиш ишлари режалаштирилган.

Қувонарлиси, жамғарма илк бор "Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган энг яхши материал учун" (телевидение, ижтимоий тармоқ, журналистика ва босма нашр) номинацияси бўйича "Олтин қалам" Миллий мукофоти ғолибларини рағбатлантиришда ҳам иштирок этди. Бундан буёғига ҳам жамғарма ўзбек тилини ривожлантириш бўйича заруратга кўра турли лойиҳа ва танловлар эълон қилиб боради.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1601.
79242 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:15 Топширилди — 02:00